



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-йил dekabr dan chiqq boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-йил 16-iyul, №32 (588) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ҲАЁТИЙ МИКРОЭЛЕМЕНТ

Модомики, оддийгина кўринган йод танқислиги аслида бутун моҳияти билан жамият тараққиётига, келажак авлод ақлий салоҳияти ривожига катта хавф солаётган экан бу муаммага панжа орасидан қараб бўлмайди.



⇒ 3-бет

ТЕМИР ЙЎЛ

Аллоҳ кўрсатган йўл равондир мангу,
Мукамал, мустаҳкам темир-пўлати.
Истиқлол йўли бу, Мустақиллик бу,
Толмагай Ҳумоқуш кумуш қаноти!



⇒ 6-бет

ТОКИ СЕВИМЛИМИЗ — ЁШМИЗ, БАХТЛИМИЗ

Истеъдод — қалин ўрмонзор ичидан чиқиб кета олмаганингизда, чиқиб кетиш йўлини топа олади. Истеъдодни халқнинг юраги тугади. Ва у мана шу халқ юрагидagi дардларни шеърга солади.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ Шу йилнинг 15 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

■ Республика Байналмилал маданият марказида 11 июль — Жаҳон халқлари кунига бағишланган “Ўзбекистон — ақил оила” мавзусида кеча бўлиб ўтди. У Республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

■ Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да “Кичик бизнес учун Ҳиндистон минитехнологиялари — India minitech — 2008” кўргазмаси давом этмоқда.
“India minitech — 2008” кўргазмасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва бу борада Ҳиндистон билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

■ “Экосан” экология ва саломатлик халқаро ташкилотидан бўлиб ўтган халқаро учрашувда аҳоли сонининг ўсиши, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги муҳокама этилди. Тадбир Ёшлар йили ва ҳар йили 11 июлда нишонланадиган Жаҳон халқлари кунига бағишланди.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ЎЧМАС ИФТИХОРИ



Суратда: пойтахтимизда бунёд этилган Ёшлар ижод саройи.

Юрт истиқлоли. Ватан мустақиллиги. Бу улғу неъматдан ҳам улғуроқ, буюкроқ нимадир бормикин, бу ҳаётда.

Мамлакатимизнинг нурли истиқболи йилдан-йилга юксалиб, каттаю кичик, ёшу қари дилида гурур, ифтихор туйғулари мустаҳкамламоқда.

Келажаги ёруғ ва буюк Ватан эртасини бугунги шукҳ, ёруғ орзу-умидлардан ҳам англаш, кўриш, ҳис қилиш қийин эмас.

ПАХЛАВОНЛАР ТУГИЛАДИ БУ ЮРТДА

... Абдуқул буванинг уч ўғлидан ўн икки невараси бор. Кишлогимизда янги қурилган мактабнинг спорт зали мавжуд. Невараларидан 7 нафари турли спорт секцияларида қатнашди. Бува яқинда маҳалладаги маъракада узанги-

йўлдош ўртоғига уйимда бир кило тиллом бор, деса унинг эси оғиб:
— 70 дан ўтмай, миянг айниб қолдим, — дебди ҳаммага эшиттириб.
— Нега миям айниди, неваларим йилига икки марта спортдан олтин медал ютиб турибди, — дермиш бува.
Дарҳақиқат, бир маҳаллар

шаҳарлик болаларга ҳавас билан қараган қишлоқ болалари бугун данғиллама спорт саройларида чемпионлик учун курашмоқда.
Соғлом авлоднинг етишиб чиқаётганлиги ҳаммасидан қувонарли. Алпомош келбатли болаларимиз, Жалолддиндек кўркмас ва мард фарзандларимиз Ўзбекини дунёга танитмоқди.

мобайнида Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманида 300 ёш оилага уй қуриш, сотиб олиш ва бошқа хайрли мақсадлар учун кредитлар ажратилди. Демак, шунча оилаларда бахтиёрлик ва шукроналик шукҳи кезмоқда. Сабру қаноат ва шижоати бор оилаларда эса паҳлавон болалар туғилаверади.

ЎҚИБ ШАҲАР ОЛИБ БЕРАДИ

Болалигимда қулоғимга “нима, ўқиб шаҳар олиб берармидинг, тур молга қара” деб танбех беришлари эшитилиб турарди. Бунга биз тенгиларнинг дарсларни ўзлаштирмай ота-оналарига гап эшиттиргани ёки мактабни битириб барибир ўқишга киролмасликларимиз сабаб бўларди. Боз устига ўқишга кириш имтиҳонларидаги ноҳақликлар ота-оналарнинг фарзандлари келажагига умидсизлик билан қараши, “ўқиб шаҳар олиб бергандан” кўра қўлга кетмон олиб, далада деҳқончилик қилгани афзал деб ўйлашига сабаб эди.

Илм олиш борасидаги ушбу тушунчаларни ҳозирги куннинг нуқтани назарига қўйиб кўринган, қандай жаранглар экан.

(Давоми 2-бетда.)

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ортиқча ҳужжат талаб қилиш

ҳолатларига қарши қонуний чоралар кўрилмоқда

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида ўтган давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар, эришилган тарихий ютуқлар, қолаверса бу борада зиммаларда турган истиқболдаги устувор вазибалар ҳақида тўхталиб, “иқтисодий янада эркинлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайитириш, унинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш — буларнинг барчаси ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши” — эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.


Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайитириш, тад-

биркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва говларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди.

Маъмур қарордаги имтиёзга кўра:

2»

Сўровномалар
натижасига
кўра, сайлов
кампанияси
тарихида илк
бора Барак
Обама ва Жон
Маккейнга овоз
берадиган
сайловчилар
нисбати
тенглашди.



Маккейн Обамага етиб олди

Йил охирида АҚШ президентлигига бўлиб ўтадиган сайловга Демократлар партиясидан номзоди кўйилган Барак Обама шу пайтгача етакчиликни қўлдан бермай келаётганди. Кейинги пайтларда негадир унинг омади чопмаяпти. Ҳозирда ҳар иккала номзод 43 фоиз овоз билан ўзаро тенглашган. Обаманинг ишлари орқага кетиши сабабини кейинги вақтларда унга нисбатан сиёсий беқарорлик айбловлари бўлаётгани билан изоҳланмоқда. Эҳтимол, бу Маккейн сайловолди кампанияси жамғармасига июнь ойининг ўзида 22 миллион доллар маблағ келиб тушгани билан боғлиқдир.

Буюк Британиядаги сўровнома эса 53 фоиз британиялик Обамага ишонч билдиришини кўрсатди. Республикачилар номзоди 5 баробар кам, яъни 11 фоиз “овоз” берилган.

5»

ДУНЁ СИЁСАТИ

ЖАВОБ

Қўшимча текшириш ўтказилмоқда

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан “Хуррият” газетасида 2008 йил 21 май куни чоп этилган “Мен дардимни сизга айтайин...” сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Яққасарой туманларо фуқаролик суди томонидан даввогар Ш.И.Шоамановнинг жавобгар “Фароис” ИТТ фирмаси ва Ф.Х.Бикмаевга нисбатан хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш, эгаллик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги давво аризаси, даввогар С.В.Югайнинг жавобгар Ш.И.Шоаманов, Х.Р. (Худайкулова) Шоаманова, О.Ш.Шоаманов ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан уй-жойдан қўчириш, уйга киритиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уй-жой коммунал тўловлари ва суд харажатларини Ш.Шоамановдан ундириш ҳақидаги қарши давво аризасидан фуқаролик иши кўрилган.

Маъмур суднинг 06.11.2007 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан даввогар Ш.И.Шоамановнинг жавобгар “Фароис” ИТТ фирмаси ва Ф.Х.Бикмаевга нисбатан хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш, эгаллик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги давво талаблари рад этилган. Даввогар С.В.Югайнинг жавобгар Ш.И.Шоаманов, Х.Р. (Худайкулова) Шоаманова, О.Ш.Шоаманов ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан уй-жойдан қўчириш, уйга киритиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уй-жой коммунал тўловлари ва суд харажатларини Ш.Шоамановдан ундириш қисми рад этилган.
Ш.И.Шоаманов, Х.Р. (Худайкулова) Шоаманова, О.Ш.Шоаманов, воёга

етмаган Х.Ш.Ибрагимов ва К.Ш.Ибрагимовлар низоли Сергели туман Қўйлик-6 мавзеси, 18-уй 28-хонадондан бошқа турар жой бермасдан қўйрилган ва улар ушбу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар. С.В.Югай маъмур хонадонга киритилган.

Судга даввогар Ш.И.Шоаманов томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда фуқаро Ф.Бикмаев билан Ш.Шоаманов ўртасида 1993 йил 1 сентябрь куни Сергели тумани Қўйлик-6 мавзеси, 18-уй 28-хонадоннинг тузилган хонаки олди-сотди шартномаси мавжуд бўлиб, ушбу шартномадаги А.Жомий маҳалла фуқаролар йиғини раиси номидан ким имзо қўйганлигини аниқлаш имкони бўлмаган, лекин ундаги муҳр “А.Жомий” маҳалла фуқаролар йиғинининг муҳри эмас, балки Сергели туман Марказий маслаҳат поликлиникасига тегишли эканлиги аниқланиб, маъмур ҳолат юзасидан 21.11.2007 йилда хусусий ажрим чиқарилиб, муҳокама қилишлик учун Сергели туман ҳокимияти ва Сергели туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси раҳбариятига юборилган.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан газетда чоп этилган мақола юзасидан қўшимча текшириш ўтказилмоқда.

Б.ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратури,
3-даражали Давлат адли
маслаҳатчиси.

Юртим, сени яшартириб яшасам...

Ортиқча ҳужжат талаб қилиш

(Бошланғич 1-бетда.)

Сафар нияти билан қўшни қишлоққа отлансанг ҳам ҳар қадамидан ҳикмат топасан, деган эди падари бузрукворимиз бир пайтлар. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги олдидан республика Ёзувчилар уюшмаси ва Маънавият тарғибот маркази давлати билан Халқаро Амир Темури хайрия жамғармасининг раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Тошкент тўқимачилик институтининг ректори Қадим Жуманиёзов ва қамина “Қай-дасан Андижон!” деб ўйла тушдик. Иштиёримизда ўзимизнинг Асака аргумоғи — жоннажон “Нексиа”. Рўлда ёш, умидли олим, «беш минути кам» фан номзоди Низомбой Собиров.

Қадим отанинг айтишича, Низомбой бизни манзилга элтди қўйишга аҳд қилибди. — Отанинг раҳмат! — дейди халқимизнинг сеvimли адиби Муҳаммад Али ака бу олижаноблик учун миннатдорчилик билдириб.

ШЕЪР ҲАМ БЎЛСИН...

Муҳаммад Али ака дунё кўрган, юрт кезган адиб. Шу боисми, суҳбати ёқимли. Айниқса, ҳаётнинг ҳангомалари, ичакузди латиғалари билан сафардошларини зериктирмай, яйратиб-яшнатиб олиб юрадлар.

Адиб билан орқа ўриндикда ёнма-ён ўтириб бораётган Қадимбой ога суҳбат завқидан тўқинланган, ҳар замонда “Шеър ҳам бўлсин, шеър эшитайлик”, — деб қоладилар. Ҳангома завқи шеър завқидан кам бўлмагани учунми, гурунг мавзусини ўзгартиргимиз келмайди.

Бирок, шу тобда шеър айтиш зарурати тугилса, қандай мисралар мақбулроқ чиқаркин, деган ўй ҳам мияминг бир четидан нари кетмайди. Айни ҳолатда, мусаффо осмон остида, баҳаво, ям-яшил қиялиқлар бағрида яйраб бораётган бир шоир қандай шеър ўқиши мумкин? Албатта, юрт, Ватан, унинг ажойиб одамлари ҳақида-да!


Юртим,
Сени яшартириб яшасам,
Меҳрим унс ҳар бир майса, гиёҳда.
Қанча суйсам,
Қанча куйсам, шунча кам,
Шунча камдир, шунча камдир,
шунча кам.

Юртим — кўзим,
Ёшинг артсам, яшартсам,
Вола бўлиб қолсам, воланг ўзим ҳам.
Сени суйиб, кучоғимга айлаб жо,
Кўзинг бўлиб кўзингга нур қўшоқсам...
— деганга ўхшаш туйғулари қуйилиб келади ҳофизам арқоғидан.

ҚАЛАМИ ҲАМ ТИЛИДАЙ РАВОН

Ижодий гуруҳимиз билан завқли суҳбатлар билан бўлиб Андижонга қандай етиб борганимизни сезмай қолдик. У ерда бизни вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Абдувахоб Нурматов, марҳаматлик дилбар шоира Мунаввара Тошпўлатова ҳамда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Абдулҳамид Нурматов қарши олдилар.

Абдувахоб аканинг ҳам асли касби — журналист. Бирок адабиёт, санъат, маънавий маърифат сирларини сув қилиб



ичиб юборганлардан. Қалами ҳам тилидай равон. Эшитсанг эшиттудай шеърлар ҳам битади. Бир умр давлат идоралари хизматини ўтаётган бўлишига қарамай ижоддан, ижодкорлардан узоклашмаган. Ҳазил-мутойибага табитан мойил. Аския пайровларини нозик ҳис қиладди.

Ўзининг айтишича, бир пайтлар андижонлик машхур сўз усталари Махсум ака ҳамда Ҳасанбой аскиячиларга эргашиб Қўқон, Марғилон, Наманган томонларда ўтказилган кулги кечаларига қатнаб ҳам юрган. Андижонликлар у киши ҳақида гап кетса, аскияда ўз оғанини сини ҳам аяб ўтирмайди, деб қўйишади. Мана шу таъриф бизни қутиб олувчилар билан таништириш асосида ҳам тасдиқланди. Навбат Абдулҳамид Нурматовга етганда сўзларини озгина ҳазилга йўғириб, давом этди:

— Бу киши... маънавийимиз мутасаддиси... Вилютимизда айримлар катта идораларни Нурматовлар эгаллаб олишди, деб юришади. Шу гапда жон бор. Биз Абдулҳамид билан ҳақиқатан

ака-укаимиз. Фақат, ота бошқа, эна бўлак...

МЕНГА НИМА, ДЕМАЙЛИК

Андижон сафаримизнинг биринчи куни Навоий номидаги истироҳат боғида бўладиган театрлаштирилган оммавий сайил-шоуга тўғри келди. Ташкилотчилар тадбирда бизнинг иштирокимиз ҳам ўринли бўлишини айтиб қолишди...

Гиёҳвандлик туфайли қалби ва қиёфасидан тамом айрилган, уч-тўрт томчи “оғу” учун онасига ҳам шафқат қилмайдиган тирик мурда ўғил ҳамда муштипар волида муносабатлари акс этган саж

жам тортишимизнинг ўзи бу шумқадан иллатга дарвозаларимизни ланг очиб қўйиш билан баробар, дегим келади.

ХАЛҚНИНГ ЎЗИ КОН, ЎЗИ УММОН

Андижон тиббиёт институтини талабалари ҳамда ҳарбий қисм аскарлари, саркардалари билан бўлган учрашув-мулоқотларимиз турли савол-жавоб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Гуруҳимизга халқимизнинг сеvimли санъаткорлари Ўзбекистон халқ хофизлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар келиб қўшилган, учрашувларимизнинг руҳи ва завқи янада кўтарилди. Марҳаматдаги Қишлоқ ва сув хўжалик касб-хунар коллежи ҳовлисида ушатирилган туман маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасадди ва маслаҳатчилари билан учрашув биз меҳмонлар учун ҳам, мезбонлар учун ҳам ниҳоятда фойдали, узоқ йиллар ёдимиздан чиқмайдиган тадбир бўлди. Машхур хофизларимиз куйлаган кўшиқлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар чиқишларидан илҳомланган мезбонларнинг ўзлари ҳам дадил даврага чиқиб, микрофонни қўлларига олиб, эмин-эркин дил изҳорларини тўкиб сола бошлаганларида, кўшиқлар куйлаб рақсларга тушганларида, тўғриси, шундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмас экан, деган хулосага келдик.

Марҳамат фуқаролар йиғини бош маслаҳатчиси Арофат Қурбонова марҳаматлик ажойиб шоир, аллома Ҳасанхон Маҳдум Восиллий ижоди ва ҳаётининг ўзига хос ибрати ҳақида гапириб, ижодкорнинг 100 йиллик юбилейини муносиб қарши олиш ва ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда бу таклиф қўллаб-қувватланди.

Биз қанчалик билан журналист, таъниқли шоир ва ёзувчи, машхур хофиз бўлмайдик халқнинг ўзи доно, ўзи устоэдр. Биз бу хулосага маҳаллий ҳаваскор хонандалар куйлаган кўшиқ ва лапарларни халқ хофизлари ака-ука Ваҳобовлар ҳам тебраниб-тебраниб эшитганларида, отин она Болтожи Юсупова шу ернинг ўзида тўкиб куйлаган халқона хикматларни халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ака ҳам селу селоблар бўлиб тинглаганида яна бир бор амин бўлдик.

... Учрашувларда айниқса бугунги ёшларнинг нечоғли билимга, маънавиятимизга чанқок эканликларини уларнинг бир-биридан қизиқ, баҳсли саволларидан ҳам билиб олдик. Энг муҳими, юртимиздаги тинчлик, яратилаётган кўндан кўп имкониятлардан одамлар шод-мамнун. Уларнинг кўзларидаги буюк келажакимизга бўлган ишонч руҳидан илҳомлилик дилдан шундай ўйлар кечади: халқнинг ўзи кон, ўзи бир уммон...

Абдунаби БОЙКЎЗИЕВ,
журналист.

қурби етмайди, етганда қандоқ, ахир ҳаммасининг қўлида хунари бор. Элда бир гап юради: отадан олтов бўлсанг олти юртининг эгасисан. Саттор акага «шаҳар» керак эмас, фарзандлар ва невараларнинг бошини қовуштирган 10 сотихли ҳовлининг ўзи унга катта шаҳар...

“Учоқли” маҳалласида яшовчи Рихсибой буювнинг қувончи Саттор аканикидан ҳам баланд. У кишининг икки невараси чет элда ўқийди. Давраларда уларнинг фалон йили битириб келишини айтиб мақтанади. Келажак ёшларники, Рихсибой буювнинг гурунланганча бор.

МАЪНАВИЯТНИ БИР-БИРИМИЗДАН ЎРГАНАМИЗ

Ёш болалар даврасига эътибор қилсангиз, улар катта ёшдагиларга тақлид қилиб эргашганига гувоҳ бўласиз. Демакки, катталарнинг ҳар бир қадами, хатти-ҳаракати болаларниги ҳолида. Қулоғи бошқа нарса эшитиб, кўзи бошқа нарсага кўрса бола тарбиясида иккиланган пайдо бўлади, натижада унинг онгиди ростликдан кўра ёлғончиликка таъсир кучая боради.


Шунинг учун ҳам болани яхши тарбиялашда бир-биримиздан ўрганишимиз бор гап. Бу шундай жараёнки, унинг таъсирини қўпам ўйлаб кўрмаймиз. Масалан, оила-

да эрталаб ўрнингиздан туриб, юз-қўлингизни ювгач, ота-онангиз билан саломлашиб, уларга яхши сўзларни айтишингиз болаларнингизга ибрат бўлади. Ёки маҳалла йиғинидан тортиб ҳаётларида элнинг олқишини олишингиз ҳам фарзандларингиз тарбиясида ижобий ўрин тутайди. Маънавият шундай нарсаси, уни бир кунда ўқиб ёки ўқиб олиш, ўрганиб, ўзлаштириб олиш мумкин эмас.

Шу маънода мустақиллик маънавияти ҳам ўтган йиллар мобайнида одамлар онгиди сайқалланиб бормоқда.

... Юртбошимиз яқинда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги сафарларида ободонлаштириш масаласига тўхталиб, чиройли қурилган истироҳат майдонлари, маданият марказлари ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида ибратли гапларни айтди. Дарҳақиқат, чиройли қурилган мактаблар, кўркем ва замонавий коллежлар, нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам дид билан қад ростлаган гузарлар ва маиший объектлар шу ерда яшовчилар юрагига гурур-ифтихор бағишлайди. Бу гуруринг илдизи эса Ватанга бориб уланади. Гурур — маънавиятимизнинг ажралмас бир бўлағи, у иймонимизни бутун сақлайди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ,
“Хуррият” муҳбири.



Истиқлолнинг ўчмас ифтихори

(Бошланғич 1-бетда.)

Бизнинг эшитганимиз шундай: “Ўқи болам, давлат шундай шароит яратиб қўйибди, шу юрт сеники, шу давр сеники!”

Мактабларга бўлган эътибор ҳақида кўп гапирдик, ҳаммаси халқнинг кўз ўнгида турибди. Ахир 70-80 йиллари ҳар бир туманда бўлса 1-2 та кўркем мактаб бўларди, ҳозир-чи барча илм даргоҳлари кишининг кўзини қувонтиради. Ҳаётдаги баъзи бир қийинчиликларни қорин дарди билан ўлчаётган айрим кимсалар давомчилари бўлган болалари учун шундай шароит яратилаётганлигини, эртага улар биздан кўра бахтли ҳаётга эга бўлишларини тасаввур қила олармиканлар?! Ҳар қалай, орзулар қувончи билан яшаётган эл кўпчилик, шуниси га шукур.

Саттор ака бир ота-ондан 4 ўғил, 4 қиз бўлишган. Турмуш қийинчиликлари ва қўли калталиғидан оилада ҳеч қандай техника кўмада ҳам ўқимаган, ҳаммаси устачилик, қорвачилик билан умрини ўтказишди. Саттор аканинг эса 3 ўғил, 2 қизи бор. Ўғилларининг ҳаммаси олий маълумотли, 2 қизи ўрта махсус маълумотли олди. Буни қарангки, 5 нафар фарзандларидан бугунги кунда 12 невара институт ва коллежларда ўқимоқда. Айтинг-чи, шу фарзандларининг Саттор акага «шаҳар олиб беришга»

мақбулчилик қилган киши катта микродордаги жаримага тортилар экан. Балки бизда ҳам шундай қатъий қоралар кўриш керакдир. Ушанда баъзи “маданиятсизлар” ҳам ўйлаб иш тутайди бўлишарми? Сабаби атроф-муҳит тозаллиги аввало сизу бизнинг баҳур-диллигимизни яшнатувчи, янгидан янги ютуқларни қўлга киритишимизга қўмак берувчи восита бўлса, шунингдек, фуқароларимиз соғлигининг беиминнат таъминотчиси ҳамдир.

Ўзи азал-азалдан халқимиз тозалликка, озодалликка эътибор бериб келган. Биргина мисол, аёлларнинг ҳовлини кўча бўсағасигача суғуриб қўйиши уят саналган. Шунинг учун бўлса керак, келинчаларнинг азонда уй ҳовлисига қўшиб кўчага ҳам сув секиби, суғуришлари қадимий одат ҳисобланади. Уч-тўрт кун олдин Тошкентга чекка бир вилоятдан “Олийгоҳга қираман” деб келган бир абитуриент киз билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ҳозир кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватида ижарада турибман, — деди у. — Дастлабки кунлари тонгда ҳовли суғуришга уялдим. Чунки бу ерни эрталаб соат саккиз-тўққизларда фаррош аёл келиб чала-чўлла

Кўча маданияти у ҳар бир юртдошимизда юксак даражада бўлиши керак

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Такси қутиб тургандик. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирида, энг янги русумдаги автомобиль ҳайдаб кетаётган бир киши машинасининг деразасидан тамаки қутисини гижимлаб, шундоқ йўл четига улоқтирди-ю, яна авто уловига газ берди. Албатта, бу фавқулодда янги ва ноёб воқеалик эмас. Қолаверса, бундай ҳодисаларга кўча-қўйда ҳаммамиз ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз. Баъзилар турли хил ичимликлардан бўшаган идишларни, музқаймоқ ва бошқа егулик маҳсулотларнинг ўрам қоғозларини ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни тўғри келган жойга ташлаб кетаяверишди. Оқибатда эса атроф муҳит ифлосланиб, шаҳар экологиясига путур етиши мумкин. Ваҳоланки, ана шундай кишилар орасида ёш болалардан тортиб, бўйинбоғ таққан зиёли одамлар ҳам бор. Кўринишдан туппа-тузуқ кишиларнинг оддийгина кўча маданиятидан беҳабарлиги гоят ачинарли, назаримизда. Айни шу ҳолатни ҳаётнинг ривожланган давлатларида тасаввур қилиш қийин. Чунки қўпчилик хорижий мамлакатларда бундай но-

мақбулчилик қилган киши катта микродордаги жаримага тортилар экан. Балки бизда ҳам шундай қатъий қоралар кўриш керакдир. Ушанда баъзи “маданиятсизлар” ҳам ўйлаб иш тутайди бўлишарми? Сабаби атроф-муҳит тозаллиги аввало сизу бизнинг баҳур-диллигимизни яшнатувчи, янгидан янги ютуқларни қўлга киритишимизга қўмак берувчи восита бўлса, шунингдек, фуқароларимиз соғлигининг беиминнат таъминотчиси ҳамдир.

Ўзи азал-азалдан халқимиз тозалликка, озодалликка эътибор бериб келган. Биргина мисол, аёлларнинг ҳовлини кўча бўсағасигача суғуриб қўйиши уят саналган. Шунинг учун бўлса керак, келинчаларнинг азонда уй ҳовлисига қўшиб кўчага ҳам сув секиби, суғуришлари қадимий одат ҳисобланади. Уч-тўрт кун олдин Тошкентга чекка бир вилоятдан “Олийгоҳга қираман” деб келган бир абитуриент киз билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ҳозир кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватида ижарада турибман, — деди у. — Дастлабки кунлари тонгда ҳовли суғуришга уялдим. Чунки бу ерни эрталаб соат саккиз-тўққизларда фаррош аёл келиб чала-чўлла

суғуриб кетаркан, холос. Тарки одат амримаҳол, деганларидек, бир-икки кун ўтгач, азондан туриб зинаоялардан бошлаб, кўп қаватли уйнинг ҳовлиларигача суғуриладиган бўлдим. Бир кун одатдагидек эрталаб “дом” йўлагини суғураётсам, иккинчи қаватда яшайдиган аёл ҳам челақ, суғурги кўтариб чиқди. Бир ҳафта ўтгач, сафимиз анча кенгайиб қолди...

Дарҳақиқат, ҳар бир жаҳада бўлган каби кўча-қўйда юриш маданиятини шакллантиришда ҳам оиланинг, шу билан биргаликда атроф-муҳитнинг да таъсири катта. Боғча пойтахтликларига содда ва ишонarli услубда озодалик одоби ўргатиш, ўқувчиларга одобнома дарслари давомиде тозаллик, саришталиқнинг фойдалари қайта-қайта ўқитрилиб борилса ва ўз наватигада ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг ўзлари ҳам фарзандларига шахсий ибрат намунасини кўрсатсалар, бу албатта ўз самарасини бериши шубҳасиз. Азим пойтахтимиз эса, янада тоза-озода бўлиб, нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг энг сулим ва бетакрор шаҳарларидан бири бўлиб қолаверди.

Гавҳар СУВОНОВА

Уйинг бугдойга тўлсин, бободехқоним!

Асли касби иқтисодчи Келдиёр ака Азизов қотмадан келган, буйчан киши. Қўёндан қорайган юзларига йиллар ўз тамғасини чизиб улгурган бўлса-да, қадам олишида чайирлик, абжирлик яққол кўринади. Одатда деҳқон ер билан тиллашиш услубини яхши ўзлаштиришидан гапга нўноқроқ бўлади, дейишади. Келдиёр ака техника тилини ер тили билан омухталаштирган ва бу омухталаниш иқтисод тилида чақа олган замонавий деҳқонлардан. Бошиқа пайтларда камган, хиёла қулиб турадиган инсон, техникадан гап очилди дегунча, мотори гўмбирлаб ўт олган трактордай ярим чақиримчача етиадиган овозда гапга тушиб кетади. У Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Муқобил машина-трактор парки раҳбари. Эга кесимини жойига қўйиб, кесиб-кесиб гапирганидан, унга беҳстиёр қулоқ тутасиз.

экадиган, ҳосилни йиғиб-тера-диган, ташийдиган машиналаримиз бор. Улар йилнинг ҳар қайси мавсумида ишга шай туради. Фақат киш ойларида биз барча машина эҳтиёт қисмларини таъмирлаш ишлари билан банд бўламиз. Металлни бутлаб, ямаб, уларга қайта ишлов берувчи цехларимиз бор. Бу ерда яроқсиз ҳолга келган ҳар қандай техника тури қайтадан "тирилади".

Бир йилда режага кўра 80 млн. сўм даромад олишимиз даркор. Ҳозир режа 85-90 млн. қилиб уддаланапти. Ишимизга халал бериб, маблағимиз баракасини учираётган муаммо ҳам йўқ эмас. У ҳам бўлса, фермер хўжаликлари хизмат ҳақларимизни белгиланган вақтида тўламаётганликларидир. Ўз навбатида уларнинг тайёрлов пунктлари билан имзолаган шартнома мажбуриятлари бажарилмагани учун биз билан

яроқсиз сув истеъмол қилса! Бу борада Келдиёр аканинг сўзларини эшитмоқчи бўламиз.

— Биз фуқаролар йиғинининг ҳар бир кўрсатмаси, хизматига ҳамма ҳозиримиз, — дейди техника сардори ўйлиб туриб. — Аммо бугдой ҳосил нобуд бўлмасин... Қирқ кундан ошди, иш кунининг ё кеча-кундузнинг фарқи бормай галла ўрими бошида тик турибмиз. Ўрим уч сменада ташкил этилган. Комбайнчиларнинг, дон ташувчиларнинг иссиқ овқатларини вақтида ташкил этиш, уларни рағбатлантириш масалаларига бош-қош бўлмасангиз, у ёғини ўзингиз тушунаверинг. Ҳозир режани уддалаган фермерларимиз экин-тиқинда иштирок этган ҳар бир хонадон, комбайнчиға муқофот тарзида дон улашмоқда. Шуни алоҳида таъкидла-масак адолатдан бўлмас, илгарилари жамоа хўжалиқи даврида оилавий пудратчилар томонидан йиғилган галла оямборхонага олиб бориб тўқиларди. Уни оямбор мудирини ё хўжалик раҳбари истаган кишига берса берарди, бермаса йўқ. Жамоа хўжаликлари ёппасига фермер хўжалиқларига айлантирилганидан кейин, аҳвол тамоман ўзгарди. Энди ички ишлар ходими назорати остида давлат режасини уддалаган хўжаликларнинг фермерларидан тортиб, оддий ишчилари хонадонига қадар 50-100 тонналаб дон талон-торож қилинмасдан олиб бориб тўқила-ляпти. Ҳеч замонда деҳқоннинг ҳовлисига тонналаб дон олиб бориб берилганми? Энди қари-қаранглар, касалланд, но-гиронлар, иқтисодий ночор кишиларимизнинг қўллари дуога очилганини кўрсангиз...

Пайкаганингиздек, бугун деҳқоннинг ичар суви ҳам, овқати-ю тин олар жойи — ҳамма-ҳаммаси ўрим-йиғим майдонида. Ҳар қандай кишини ўйга соладиган томони шундаки, галла ҳосилидан сўнг деҳқон бир ой нафасини ротлар ростлаб, пахта йиғими бошланади. Умр шу зайл ўтаверади. Деҳқон учун минг машаққат билан етиштирган ҳосили нобуд бўлмаса бас, қолганига қўл силтайди. Ҳеч кимга таъна ё ид-дао қилмай қўл силтаверади. Ту-маннинг сувсоз бошқармаси хо-димлари дастурхонларидаги бўрсилдоқ нонларни тановул қилаётганларида ёнларида куйиб-пишган деҳқонга лоақал тоза ичимлик суви тутишга қурблар етмагани хаёлларига келармикан? Нонни ҳалоллаб ейиш ибораси-нинг маъно моҳиятини деҳқонча-лик жўн ва астойдил англайдиган, кўкрагига урмай туриб, бу ҳақиқатга амал қиладиган яна қандай касб эгалари бор?..

Мамлакат НОРМУРОВА, "Хуррият" мухбири. ®

— Бу йил касбиликларнинг уйи бугдойга тўлиб-тошди, — дейди у хурсандлигини яширолмай. — Шу десангиз, ерда-да қор эримасдан экинга ўз меъёрида ўғит берган эдик, тупроққа яхши дармондори бўлди. Илгари ҳар гектар ердан 35-40 центнердан ҳосил олардик. Бу йил ҳосилимиз чўғи қарийб икки бараварга ошди. 70-80 центнердан ҳосил йиғиб ола-ляпти. — Унинг қўл телефони жи-ринглади. — Ана кўрмайсизми, ҳозир бизда ҳар бир соат гани-мат, ҳал қилмасак, далада буг-дой нобуд бўлади.

У қўл телефонида хўжалик вакиллари билан кенгашади, тортишади. Гаплари мантқиқдан шу нарса аён бўладики, фермер хўжаликлари орасида ўрим ком-байнлари талаш. Ҳосиллари би-рин-кетин етилаётган фермер-лар донни имкон қадар тезроқ йиғиб олсам, дейди. Бой бе-рилган ҳар бир кун ҳосилдор-лик чўғини пасайтиради. Сал ҳаялласа, ҳашаротлардан тор-тиб мол-ҳол паррандалар учун ўлжага, шамолу гармселлар таъ-сирида уволга айланиши ҳеч гап эмас.

Шу тобда қуёш тифида сариқ денгиз мисол товланаётган кенг галла майдонларини ўзбекнинг мўл-кўл ёйиқ дастурхонига қиёслаб келадик. Уйимиз дастурхони бошида қанчалик сидқидиллик ва эътибор билан ўтирамиз... Катталар исроф бўлаётган ҳар бир лўқма таом ё нонга танбеҳ беришади. Ахир бу кўпчиликнинг, эл-улуснинг дастурхони! Унга хиёл бўлса-да менсимай қараб кўринг-чи!

Айтишгагина осон, кенг галла майдонларини бунёд этгунча, сўнгра уларни авайлаб йиғиш-тириб, эга-эгаларига топшир-гунча, деҳқоннинг жони ҳалқу-мига келади.

— Ҳа, бугдой тандир бошига ун бўлиб етиб келгунча, қанча захмат тортилишини ҳамма ҳам тасаввур қилавермайди, — дей-ди сўхбатдошимиз. Мудом кун тифида, шамолу растада ишла-ганиданми ёки узоқ-узоқларга қарайверганиданми, унинг кат-та кўзлари киртайиб қолгандай тикилади. — Мана, айттайлик, бизнинг машина-трактор парк-

ларимиз зиммасидаги юмуш-ларни тилга олсам. Маълумки, 2004 йил нихоясида жамоа хўжа-ликлари тугатилиб, фермер хўжалиқларига айлантирилди. Қишлоқ фуқаролари йиғини худудида муқобил машина-трак-тор парклари, сувдан фойдала-нувчилар уюшмаси, ёнлиги мой-



лаш, омухта ем тарқатувчилар, хуллас фермер хўжалиқлариға сервис хизмат кўрсатувчи шо-хобчалар ташкил этилди. Бир-гина Касби тумани "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини худ-удида бизга ўхшаш яна тўртта машина-трактор парклари фер-мер хўжалиқларининг огирини енгил қилаяпти. Худудимизда-ги 196 та фермер хўжалиқлари-га хизмат кўрсатиш бизнинг зиммамизда. Шуларнинг 156 таси галлачилик ва пахтачилик-ка ихтисослашган. Фермер хўжалиқлари билан биз йил бо-шидаёқ шартнома тузамиз. Уларга кўра хўжалиқларга қайси мавсумда қандай техника воси-таси тури ажратилиши аниқла-нади. Жамоамизда 700 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиқи техни-ка воситалари: фўза қатор ора-ларига ишлов берадиган, ўғит сепадиган, ерни ҳайдаб, текис-лайдиган, пушталайдиган, экин

ҳисоб-китоб ҳам орқага сурила-веради. Бу ишимизга пугур ет-казади. Қачон мана шу муаммо-лар бартараф этилса, ишлари-миз тўла йўлга қўйилади.

— Аҳолини ичимлик суви би-лан таъминлашда ҳам қийинчи-ликлар бор, — дея сўхбатга ара-лашади "Янги ҳаёт" қишлоқ фу-қаролар йиғини раиси Исроил Худойбердиев. — Сув омбори-мизда носозлик бор. Уни таъ-мирлашларини сўраб, туман сувсоз бошқармаси идорасига қатнайвериб чарчадик. Аммо не-гадир бошқармадагилар қишлоқ фуқаролар йиғини та-лабларини инобатга олмапти.

Ҳа, бугей энда қизик бўлди. Худудда бир нечта машина-трактор парклари ишлаб турган фуқаролар йиғини ўз сув омбор-ларидаги носозлиқни тузатиш йўллари оилаб қидирса. Қишлоқнинг шундоғ алллари турганда, унинг аҳли соғлиқ учун

Юсуф Хос Ҳожиб:

Керак сўзнинг сўзланмоғи шарт

Телба, нодон киши ўлса, ажабланмас-лик керак: аслида уларнинг тириж чоғ-лари ҳам ўлимдан фарқ қилмайди. Ҳуқуқсиз кишининг иши юришмайди. Билим ва заковат кишига қўйил-ган ўзига хос кишандир. Кишанланган от одатда ёвуз ва ярамас нарсалардан узоқ бўла-

ринчиси — катталар гапини сир тутмоқ. Сўзни ҳам киши ўз тани-жонини сақлаган-дек асраши лозим. Иккинчиси, шу сўзларни киши кўча-кўйда ёйиб юрмасин. Учинчиси — ёмон-ярамасларга аралашидан тийил-моқ.

Агар ўтмишдаги аждодларга назар сол-гудай бўлсанг, бир ҳолатни куза-тасан: оддий одам ҳам, катта мартабадаги кишилар ҳам би-лимли ва доно бўлса, улар эл-юрт тадбирини ўйлашган. Бугун ҳам эзгу деб аталган ҳар қан-дай одам эзгуларга бош бўла-ди. Бошлиқ билимли ва доно бўлса, атрофига ўзига ўхшаган-ларни йиғади. Бу хил бошлиқ элни бойитиши. Билимли ва доно бошлиқ саҳий деган ном олади. Саҳий ўлса ҳам номи ти-рик қолаверади.

Керак сўзнинг сўзланмоғи шарт. Чунки тилининг зараридан қўриб юрилса, кўпгина фойдали фикрлар ҳам пинҳона қолиб кетиши мумкин. Дўстлиқа ярамайдиган шахснинг энг яра-маси — чақимчи.

Тўғрилиқ ва адолатга таянувчи беклик бу-зилмайдиган. Оламда энг ёмон иллат, ҳуксон бу бекнинг "ёлгончи" деган ном олишидир.

Ёв бўйинини янчиб ташлашни истаган киши тунда ҳам, кунузи ҳам қулогини хушёр тути-ши лозим. Хушёрлик туфайлигина ёвни ен-гиши мумкин. Гофилик беклик бөлбоғини бузади. Гофиликнинг мўлжаллаган иш-лари ҳеч қачон битган эмас. Улар кўт-саодат-нинг ҳам қўлидан тута олмайд.

Ёлгон гапирувчи вафосиз бўлади. Вафо-сиз киши ўз яқинларига, дўст-ўртоқларига-гина эмас, барча элига ҳам ёмон ишлар қилади, бало келтиради.

Бошлиқ очик кўнгил бўлиб, ёзиқ қилган кишининг ёзиқларини кеचира олса, киши кўнгил илтиди, унга бағирдош бўлади. Ба-ғирдош киши содиқдир. Бошлиққа шундай ҳиммат зарур.

"Қутадғу билиг" китобидан Анвар СУЙУНОВ тайёрлади.

ЛУҚМА

Тарозингиз тўғрими?

Шахри азим Тошкент-ни кўп айланиб ош-хонаю чойхоналар-нинг овқатлари кўнгилга теккандай бўлди. Ҳамроҳим билан мас-лахатлашиб колбаса қовур-моқчи бўлдик. Қўйлик деҳ-қон бозоридаги оппоқ халат кийган истаралиқина сотув-чи йиғитга: — Оғайни энг сифатли ва ҳалол колбасадан ярим кило берсангиз, — дедик. Сотув-чи йиғит чақонлик билан бу илтимосимизни адо этди. Ҳамроҳимнинг ўзи савдо со-ҳасида ишлагани учунми колбасани қўлида салмоқлаб кўриб, унинг ярим кило эканлигиға шубҳаланма бош-лади. Беш-ўн кадам нари-даги электрон тарозига қўйиб ўлчаб кўрди. Ҳа, унинг иккиланганича

бор экан. Колбасадан 90 грамм уриб қолганибди.

Осонгина алданганимизга асабийлашиб, дардимизни бозордаги ошпаз Абдурашид акага дoston қилган бўлдик. У бўлса мийиғида кулиб:

— Енимиздаги улгуржи мева-сабзавот бозоридан сотувчилар улгуржи нарх-ларда мол олсалар бу бо-зорда чакана нарҳда ҳам ўша баҳога сотишадилар, — деди.

— Унда сотувчилар қан-дай фойда олишади? — деб сўрадик.

— Ҳамма сир тарози тош-лариди. Салмоғи озайтирил-ган "буюртма" тошлар бор. "Шапка"сини берсангиз ўша тошлардан фойдаланавери-сиз, — деди.

Ана ҳолос! Гап бу ёқда экан-да.

Ривоят қилишларича эри-нинг қабрини зиёрат қил-гани борган аёл донм унинг гўрида қийнаиб инграётган товушларини эшиттаркан. Унинг турмуш ўртоғи бутун умри мобайнида тарозиди оғир тортиб олиб, сотишда енгил тортиб бераркан. Шу боис қабрда тарозининг ик-кала посангисидаги учка найзалар томоғига санчилиб азоб бераркан.

Харидорлар ҳақиқа жиёнат қилаётган, виждонларини жиғилдонга айлантирганлар бу аччиқ қисматни тушунар-миканлар? Қолаверса, қай-сики бозорда тош-тарози тўғри ишлатилса, ўша жой-да фойза-барак бўлади де-йишади. Зеро, барақа ҳалолликда эканлигини унут-масак бўлгани.

Анваржон ҲАЛИМОВ

САЛОМАТЛИК

Ҳаётингиз микроэлемент

агар у инсон организмда камайиб кетса, ақлий ривожланиш 10-15 фоизга пасайиши мумкин...

Маълумотларга кўра, бу касаллик бугунги кунда дунё халқлари-ни гоятда ташвишга солаётган хасталиқлардан биридир. Гарчи ушбу хаста-ликни дунёда турли номлар билан аташса-да, бизда уни оддийгина қилиб бўқоқ де-йишади. Касаллиқнинг номи ҳар хил бўлса ҳам, унинг ин-сониятта келтираётган зарари бир хил ва беқийёс. Қал-қонсимон без фаолиятининг бош мия пўстлоғи билан би-лан боғлиқ бўлган бу касал-лик XVIII асрдан бошлаб дунё олимларининг "бош оғриғи"-га айланган десак адашмай-миз. Бўқоқ ҳозирги кунда чин-дан ҳам аҳоли ўртасида энг кўп тарқалган касалликлардан биридир. Бунга сабаб ор-ганизмга керакли даражада йод элементининг қабул қилин-маслиғидир. Энди тасаввур қилинг, йод етишмаган тақ-дирда одамлар орасида бўқоқ касаллиги 15-20 фоизга кўпайиши, ақлий ривожланиш эса тахминан 10-15 фоизга пасайиши мумкин. Бу ҳам йод-

нинг қанчалик ҳаётингиз элемент эканлигини кўрсатиб туриб-ди. Бутунжаҳон соғлиқни сақ-лаш ташкилотининг маълумот-ларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича йод танқислиги сабабли 45 млн. одамларда ақлий ва жисмоний ривожла-нишнинг орқада қолиши, шу жумладан 11 млн. кретинлар (ақлий ривожланишнинг куч-чол орқада қолиши, туғма кар, сақовлик ...) учрайди. 800 млн. киши эса бўқоқ касал-лигидан азият чекмоқда.

— Йод танқислиги бутун дунёни ташвишга солиб ке-лаётган дард, — дейди Тош-қент табиёт академияси 3 клиника эндокринология бўли-ми мудирини, доцент Ҳамида Боймухаммедова. — Сабаби қалқонсимон без гормонлари таркибиди йод элементини бор. Бу гормонлар организмнинг нормал ўсиши, етилиши, ри-вожланишини таъминлайди, марказий нерв системаси, ошқозон инчак ва жинсий сис-тема нормал фаолиятини таъ-минлашда иштирок этади. Атроф-муҳитда йод етарли да-

ражада бўлмаса қалқонсимон без катталашиб, қўшимча май-дон ҳисобига йодни кўпроқ ютишга ҳаракат қилади. На-тижада бўқоқ ривожланади, бўйин соҳасида тугун пайдо бўлади.

Беморларда ҳолсизлик, юрак соҳасидаги оғриқлар, асабийлашиш рўй беради. Бўқоқнинг катталашуви нати-жасида унга ёндош аъзолар эзилиши, ютинининг қийин-лашуви ҳам вужудга келади. Шунингдек, у болалар зехни-нинг сусайиши, мияси тўғри ривожланмай ақлий ривожла-нишда орқада қолиши, деп-рессия, тери қуриши, соч тўкилиши, ич кетиши, суяқ ри-вожланишининг ўзгариши, аёлларда эса ҳайз кўришининг бузилиши, бепуштлиқ, жинсий фаолиятнинг сусайишига олиб келади. Касаллиқнинг вақтида олди олинмаса, ҳатто ушбу хасталикка чалинган она қорнидаги ҳомила ўлик туғи-лиши ҳам мумкин.

Энг ачинарлиси эса, бу ка-саллиқни батамом даволаб бўлмайди. Хасталик баттар



ривожланиб кетмаслигининг олдини олиш мумкин, ҳалос. Бу борада табиёт ҳозирча оғир. Шу сабабли аҳолига йодланган ош тузи сотиб олиш ва таркибиде йод миқ-дори кўп бўлган сабзавотлар, денгиз маҳсулотлари ва йод препаратларини истеъмол қилиш тавсия этилади. Мутахасссининг таъкидла-

шича, йод микроэлементи ер қуррасига бир текисда тар-қалмаган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Марказий Осиё давлатларида, шу жумладан мамлакатимизда ҳам йод танқислиги муаммолари мав-жуд. Шунинг учун ҳам ҳуку-матимиз томонидан бу ма-саллага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Иномжон АБДИЕВ

Яқинда дўстлар билан бир биродари-мизнинг туғилган кунини ўтиргандик. Арзимаган нарсдан баҳсли гап чиқдию, гапи инкор этилган бир ўртоғимиз ўзини йўқотиб қўйди. Аса-бийлашганидан нафаси хириллаб, юзига қизил-лик тепди. Юрагини чангаллаганча, кўрпа-чага узала тушиб, гужанак бўлиб олди. Авваллари бундай ода-ти йўқлиги учун ҳай-рон бўлдик. Қарасак, бўйинида қандайдир ишни бор. У касал экан. Зўрга ўзига кел-тирдик. Очиғи, унинг бу аҳволдан жуда қўрқиб кетдик. Шу-шу бўлдию, у орттирган, инсонни салкам телба қилиб қўяёзидиган хасталик ҳақида сўраб суриштирадиган, ши-фокорлар фикри билан қизиқадиган бўлдим.

Хурликка интилган «ХУРРИЯТ»

(Бошланчи утган сонда.)

1917

Йилда аҳолини озик-овқат билан таъминлаш энг муҳим ижтимоий масалалардан ҳисобланган, чунки бутун мамлакатда галла тачкилги сезилмоқда эди. Деярли кўпчилик публицистлар бу муаммони ижобий ҳал қилиш бўйича мақолалар ёзганлар. Жумладан, Фитратнинг ҳам мақолаларидан бири «Озиқ масъаласи» деб аталади (газетанинг 15-сон). Унда ёзилишича, Самарқанд шаҳар аҳолисига озик-овқат обшестволар (ташкилотлар) томонидан тақсимлаб келинган. Айрим обшестволар бу ишда хиёнатга йўл қўётгани учун баъзилар озик-овқатни маҳаллаларда тарқатиш керак, деган тақдир билан чиққан. Бу масалага муносабат билдираркан, Фитрат гап обшество ёки маҳалла тақсимлашида эмас, балки хиёнатга барҳам беришда, бунинг учун кучли наозрат ўрнатиш лозим, деган фикрни илгари суради. Мазкур мақолада публицист жамоатчилик эътиборини масаланинг моҳиятига қарата олиш истаёдодини кўрсатган. Шуниси характерлики, у ижтимоий бурғача хиёнат қилишнинг илдизини аниқламоқчи бўлади: «Бизга қолса, — деб ёзади у, — хиёнат қилмак ва ишни эгрироқ юритмак олдидимиз ёмон тарбиянинг натижаси, элли(к)-олтмиш йил ўлкада яшаган истибоддог ягонининг аччиғи бир мевадидир».

Фитрат газетанинг бош муҳририри сифатида кундалик сиёсий воқеаларга катта эътибор бериб борган ва зарур ҳолларда ўзи бу мавзуда мақолалар ёзган. Жумладан, унинг «Сулҳ учун» (газетанинг 10 октябрь сони), «Сиёсий ҳоллар» (7 ноябрь сони) сарлавҳали мақолалари шу тарихка юзага келган. «Улҳ учун» мақоласида дунё кишилари охири кўринмаётган уруш сулҳ билан якулланармикин, дея умид кўзи билан давлатлар раҳбарларига тикилаётганини тасвирлайди. Унинг «Сиёсий ҳоллар» сарлавҳали мақоласи эса 1917 йил октябрь охири, ноябрь бошларидаги Россияда ҳукм сурган сиёсий вазиятни ёритишга бағишланган. Мақолаи ўқиғанда пайдо бўладиган бир туйғу — «улҳ салтанат» да устасодир билан бўлган муваффақиятсизликлар шояд мазкур салтанатнинг «темир панжа»ларидан кутулишига олиб келса, деган умиднинг кучайишига сабаб бўлгандек туюлади. Фитрат Россиянинг уруш жаҳаларидаги муваффақиятсизликларини санаб келтиради: «Мусибат устидан мусибат! Россиянинг ҳозирги холини очик тасвир этмак учун мундан ярашароқ сўз йўқдир. Узғаришдан сўнг Россиянинг ҳар тарафиндан очликлар, ёнгиналар, талонлар, ўлимлар, ўлдирмалар бўлиб турган чоғда бирдан чиқиб қолгон /олия (Галиция, — Б.Д.) мағлубияти билан бунинг устига тортилмас бир оқ бўлиб чўкган Риго (Рига. — Б.Д.) кетишини кўзда оласак ва бунар орқасиндан босиб келган Болтик мағлублигини ўйласак, Россияни мусибат устинда мусибат босаёттидир. Русия умрида емадиги таёкларни ейтибдир, дегарга бизни мажбур қилур. Воқеан, Риго каби чидамли бир кўрғоннинг уч кунда кетмаси, Болтикдаги кемаларнинг чобикғина (осонликча. — Б.Д.) енилмаси, ёлғуз башкаларни эмас, ўз истикболларидан русларнинг ўзларини дахи маънос қилур, рус куниндаги эътимод ва эътиборларини тубиндан чурутур ҳонисалардан эди. Ортик русларнинг умидларни қолгон бўлса, бутун-бутун муттафиқ (иттифоқчи. — Б.Д.)ларига қолгон эди. Руслар, эътимомли, муттафиқларимиз ўз майдонларидан орқаси кесилмас юрушлар қилиб, бизни озгина тиндурлар» деб ўйлай эдилар. Бунинг устига, Россиянинг иттифоқиси билан Италияи кўшинларининг немислардан мағлубиятга ўраши вазиятини бадтар мушқуллаштиради. «Италиянинг бу кўрқунч мағлублиги ёлғиз италянлар учун эмас, руслар учун дахи буюк бир мусибат бўлди. Чунки ёнгиналаринда бадбахлик лойқаларинда ботиб қолган Италиянинг қўлидан ололмаган муттафиқлар кўшуниндан Русия учун қўмак кўзламоқнинг маъносиз бир адулини янидан исбот қилиб берди. Бунинг натижасинда Россияда янги бир бало бош кўтарди — болшавик балоси!»

Публицист болшевикларнинг ҳокимият тепасига келиши вақтинчалик ҳодиса, Россиянинг

уруш жаҳаларидаги муваффақиятсизликлари туфайли рус социал-демократлари томонидан чиқарилган навбатдаги норозилик исёни деб тушулган кўринади. Шу боис у ёзади: «Болшавиклар иккинчи йўла кўзгадилар. Бу кўзгалар бири-бирини каби бўлмади. Бу дафъа буюк иш кўрдилар: Петроградни олиб, Керенскийни Россиянинг содиқ болаларини охтариб топиб, тўплаб кетурмак учун уруш майдонларига кетарга мажбур эдилар. Сўнг хабарларга кўра, Керенский тевааракдан тўплаб кетурди кўшун билан болшавикларни енгмиш у Петроградни уларнинг қўлидан янгинадан олмиш... Болшавикларнинг иккинчи чиқиши билан биринчи чиқишлари орасиндаги айиринди кўрган қимсалар учинчи бир чиқишининг қандай бўлишини онглаб олсалар керак». Хар ҳолда, муаллиф болшевикларнинг учинчи чиқиши содир бўлса, улардан ҳокимиятни ҳимос қилиш осон бўлмаслигини таъкидлапти. Лекин объектив реалистик Фитрат тасаввур қилганидан бошқача эди: Керенский Петроградни қайтадан олишга муваффақ бўлмаганди.

Абдурауф Фитрат Тошкентда ҳам болшевиклар ҳокимиятини ўз қўлига олишганини ёзади. Керенский Петроградни қайтадан қўлга киритган бўлса, унинг тарафдорлари ҳам Тошкентни қайта қўлга киритар, дея умид билдиради. Бу тахминларидан қатъи назар, у Россиядаги мавжуд сиёсий ҳолатга туркистонлик маҳаллий аҳолининг қандай муносабатда бўлиши лозимлиги тўғрисида мулоҳазаларини баён этади. Унингча, болшевиклар ҳам, муваққат ҳукумат ҳам «хурриятчи»

«Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йиғитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмашидир.»


лар». Бизга уларнинг шу жиҳати маълум. «Бунларнинг иккисига ҳам бизнинг сўзимиз шу бўлгун: биз мусулмонлар сизнинг ҳеч бирингиздан нафрат қилмаймиз, ҳеч бирингизни ёқмаймиз. Бизнинг миллий, ватанӣ ҳақларимизни гасб этмак (тортиб олмак, — Б.Д.) фикрига тушмагунча биз ҳеч бирингизга душман бўлмаймиз. Мана, ҳозирда туркистонийлар учун хатарсиз йўл шу йўлдир!»

Кўп ўтмай, публицист Фитрат Россияда юз бераётган воқеаларнинг моҳиятига етган кўринади. Унинг «Янги ҳукумат» сарлавҳали мақоласида болшевиклар тузган ҳукумат таркиби ҳақида маълумот берилади. Шуниси эътиборга сазоворки, у мазкур маълумотларни ҳеч қандай ҳиссиётсиз, шунчаки қайд этгандек инфо-да қилади.

Фитратнинг «Инқилоб» сарлавҳали мақоласи болшевиклар мамлакатда сиёсий тўнтариш қилганларидан кўп ўтмай, «Хуррият»нинг 24 ноябрь сониди эълон қилинган. Унда муаллиф уч хил: сиёсий, ижтимоий ва фикрий инқилоб ҳақида мулоҳаза юритади. Гап шунчаки инқилоблар устиди бораётгандек туюлса-да, муаллифнинг мақсоди бутунлай аниқ. У Россияда юз берган инқилобдан фойдаланиб, мустақиллигимизни қўлга киритиб, дея даъват қилади. «...Финляндиялар, — ёзади публицист, — Русия инқилобидан руслардан бурун осигланилдилар». Бу «осиг» финларнинг мустақиллигини қўлга киритганини эди. Туркистонда шу тарихка «осигланиш» учун ҳаракат кўринмайди, дейди. Бизнинг турли гуруҳларимиз ўз-ўзича қуйиб-пишишда: уламозим мансаб учун, болларимиз оқча ва эътибор учун, ёшларимиз иш йўллари учун

ҳаракат қиладилар. Бу ҳолда финларнинг йўлидан боролмаймиз. «Биз ёниқ бағримиздан чиққон финки йўла кўзгадилар. Бу кўзгалар бири-бирини каби бўлмади. Бу дафъа буюк иш кўрдилар: Петроградни олиб, Керенскийни Россиянинг содиқ болаларини охтариб топиб, тўплаб кетурмак учун уруш майдонларига кетарга мажбур эдилар. Сўнг хабарларга кўра, Керенский тевааракдан тўплаб кетурди кўшун билан болшавикларни енгмиш у Петроградни уларнинг қўлидан янгинадан олмиш... Болшавикларнинг иккинчи чиқиши билан биринчи чиқишлари орасиндаги айиринди кўрган қимсалар учинчи бир чиқишининг қандай бўлишини онглаб олсалар керак». Хар ҳолда, муаллиф болшевикларнинг учинчи чиқиши содир бўлса, улардан ҳокимиятни ҳимос қилиш осон бўлмаслигини таъкидлапти. Лекин объектив реалистик Фитрат тасаввур қилганидан бошқача эди: Керенский Петроградни қайтадан олишга муваффақ бўлмаганди.

Абдурауф Фитрат Тошкентда ҳам болшевиклар ҳокимиятини ўз қўлига олишганини ёзади. Керенский Петроградни қайтадан қўлга киритган бўлса, унинг тарафдорлари ҳам Тошкентни қайта қўлга киритар, дея умид билдиради. Бу тахминларидан қатъи назар, у Россиядаги мавжуд сиёсий ҳолатга туркистонлик маҳаллий аҳолининг қандай муносабатда бўлиши лозимлиги тўғрисида мулоҳазаларини баён этади. Унингча, болшевиклар ҳам, муваққат ҳукумат ҳам «хурриятчи»



(Охири келгуси сонда)

мом бўлмас. Мухториятни олмак ва сақламоқ керакдир. Сийезд ўз ишини қилди; қолгонлари бутун миллатнинг вазиғасидир. Мухториятни сақламоқ учун кун лозим; мухториятни бажармоқ учун оқча керакдир; буларни миллат ҳозир қилсун».

«Хуррият» газетасининг 1918 йил 2 ва 5 январь сонларида Фитратнинг «Туркистонда руслар» сарлавҳали мақоласи босилди. Унда рус мустабилдари қайта-қайта такрорлашни хуш кўрадилар — колук Туркистон халқига руслар маданияти олиб келган қабилдаги даъво юзасидан муаллиф мулоҳаза юритади. Воқеан, Туркистон Россия таркибига киритилгач, биз маданий руслар билан қотишиб, улар орқали Европа маданиятига ошно бўлмоғимиз лозим эди. Аслида, шундай бўлдики? Муаллиф шу саволга факлар воситасида жавоб беради. «Шуни ҳам айтиб ўтайликки, мундай таъсирин рус миллатининг авом табақасиндан олмоғимиз мумкин эмас эди, чунки бизнинг авомимиз улардан юз мартаба авомданийроқ эдилар (ҳозир ҳам шу шундай). Русларнинг ўқиган, тарбияли қисмларидан сотсиал-юзан ва қардошлиқ маслагинда ирғамлар ҳам императорлик ҳукумати тарафиндан қувилдиб, қисилиб тургонларини учун бизга бир таъсир қўелмас эдилар. Қолди: рус миллатчилари, рус боилари ва рус пўпарли билан шуларнинг қоровули бўлган император ҳукумати. Биз туркистонийлар ёлғиз шуларнинг қўлинда қолдик. Не кўрган бўлсак шулардан кўрдик». Русларнинг ана шу қисми туркистонийларга маданият жиҳатинда таъсир қўрсатганини, деган саволга Фитрат «йўқ» деб жавоб беради. Негаки, халқимиз мустабилдларнинг ҳарбий-бюроқрат идораси остида бўлгани учун Оврупонинг маданий миллатлари билан аралашолмаган, уларнинг «ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан» истифода қилолмаган. Фикри очик татарлар ўлкамизда мактаб очмоқчи бўлишса, мустабилдлар манъ қилишган. Биз учун газета Остроумов сингари «поп-ларнинг раҳбарлигидида чиқарилди. Ўз миллатимиз оқча ва эътибор учун, ёшларимиз иш йўллари учун

очилган газета ва мактаблар ёпилди. «Маҳкамаларда, уйларида, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вогун-уйларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлган рус ва арманидан тубанда тутулди. Бухоро ва Хива ҳукуматлари ҳам амалда мустақил эмасди. Хуллас, халқимиз эллик йил миллий зулм остида эзилиб келди. Ўзларини адолатпарвар атаётган болшевикларнинг миллий ишларимизга муносабати қандай? «Элли йилдан бери шунча зулм орасинда қолган Туркистон, — деб ёзади Фитрат, — буюк ўз мухториятини шунча адолат ва садоқат билан эълон қилибдир. Билмадик, нечундирким, ҳозирда иш бошинда тургон болшевиклар мунчи қабул қилмай турган...!»

Бизнингча, Фитрат болшевикларнинг Туркистон мухториятини тан олишларига ишонмаган. Шу боис мақоласининг охирини кўп нуқта ва хитоб аломати билан тугатган бўлса керак.

Фитратнинг «Англиз ўюнлари», «Англиз ва Туркистон» мақолалари ҳам сиёсий вазият тақозоси билан ёзилган (газетанинг 5 январь, 29 март сонлари). Унингча, борди-ю, Россияга миллий қарамликдан қутулсак ҳам, Англия деган ундан ҳам кўра маккор ва ёвуз мустабилд юху турибди, у бизни «ютиб» юборишга тайёр. Унинг ҳозир Хитой ва Афғонистон билан иттифоқ тузиш ҳаракатлари шу мақсадга қўлашадан далолат беради, деб ёзади публицист.

Абдурауф Фитрат «Хуррият» газетасида эълон қилинган публицист мақолаларида бўлганидек, баъдий асарларида ҳам ўзини қийнаган ижтимоий-сиёсий масаларни кўради. Унинг «Юрт қайғуси» сарлавҳали сочмаси газетанинг 28 июль сониди эълон қилинган. У мазкур асаридида ватандошларини, турк ўғлонларини уларнинг ўтмишдаги аждодлари кўрсатган қаҳрамонликларини эслатган ҳолда жасоратга, қаҳрамонликка ундади. У ёзади: «Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Санга не бўлди? Холнинг қалайдир? Нечук кунларда қолдинг?... Ер юзининг биринчи полвоилари бўлгон ботур туркларинг қани? Нечун чекилдилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... нечун... нечун? Гапур манга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Санга не бўлди?... Эй ҳоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар тўғи! Қани у чақмоқ чопиши ботир ҳоқонларинг? Қани ўқ юрушли, отли бекарларинг? Нечун «урхор»лари эшитилмайдир?»

Шуни таъкидлаш жойизки, Фитратнинг «Хуррият» газетасида баъдий ва публицистик асарлари мазмуни ва мақсадида кўра бир-бирини тўлдириб келлади, биридаги фикр иккинчисида давом эттирилади. Бу ҳол ўша давр тақозоси билан боллиқдир. Улуғ Турон йигитларининг ҳамятини кўзгаб қўйган муаллиф уларнинг куч-қудратига, жасоратига ишонди: «Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмашидир. Ёлғиз... ох, ёлғиз тарқалишидир». Публицист-шоир ушбу мисраларини тарихимизнинг энг маъсулиятли даврларида ёзганди. Мустабилд чор ҳукумати ағдарилиб, ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтган, мустабилдик асоратига тушиб қолган ўлкаларда, жумладан Туркистонда ҳам эрк, мустақиллик учун кутраш кучайиб бораётган бир пайтда бундай сатрларнинг юзага келганини изохлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бойбўта ДҶУСТҚОРАЕВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи» кафедраси мудири, доцент.

(Охири келгуси сонда)

«Меҳнат дафтарчаси»га тушмаган қирқ йиллик фаолият

Жўра Сафаров номини ҳали мактабдалик пайтимиздаёқ маҳаллий газеталар орқали эшитганмиз. Кейинчалик, илк марта туман газетаси қошидаги радио эшиттириш бўлимида иш бошлаганимда у киши билан танишганман. Шунгача Жўра Сафаров бизлар каби матбуот ҳаваскорлари учун газета муҳбири — журналист эди.

— Ҳозирча газета учун у-бу нарса қоралаб турганман. Радио мен учун таниш соҳа бўлмаса ҳам кичкина танқидий нарса олиб келгандим, — дея ўзини таништирган меҳмонимиз Жўра Сафаров бўлиб чиққани ҳали ҳануз эсимда.

Эфир жонли чиқиши учун ўша пайтлар чет муаллифлар келтирган материаллар баъзан уларнинг ўз овозида ҳам бериларди. Бироқ, Жўра ақининг овози микрофонга «тушмаган»и боис кичик фельетонни ўзимиз ўқиб берадиган бўлдик. Фақат муаллиф розилиги билан матнинг у ер-бу ерини «пардозлашга» тўғри келди.

Орадан икки кун ўтиб Жўра ака бир қучоқ қораламалари билан кириб келди. Бу галги материаллар орасида тожик тилида ёзилганлари ҳам бор экан.

— Домла, (Жўра ақининг асл касби ўқитувчилик. — Д.О.) икки тилда ёзар экансиз-да, — дедим Жўра ақининг материалларига назар солиб. — Мана бу хонага кириб ёзганларингизни қайта-қайта ўқиб машқ қилиб турингчи, балки бу гал овозингиз микрофонга тушса, матни ўзингиз ўқиб берарсиз.

Ўша кунни янги жамоатчи муҳбиримизнинг яна бир танқидий материал радионинг тожик тили бўлими эшиттиришлари орқали тижовчларга ҳавола этилди.

Матбуотга эндигина кириб келган эмасманми, ҳали «жамоатчи муҳбир» деган ном бизга таниш эмасди. Бир йилдан сўнг радиодан туман газетасига ўтган Жўра акага ўхшаган ўнлаб фидойий жамоатчи муҳбирлар билан ишлашга тўғри келди. Бироқ, ўша пайтлар нафақат туман рўномаи балки вилоят даражасида қўлаб газеталар учун Жўра Сафаровнинг ўрни, қадрли бўлача эди. Воҳанинг кўзга кўринган матбуот даргаларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Очил Пардаевнинг фикрича (у киши узок йиллар туман газетасида муҳаррирлик қилган) Жўра акага ўхшаган жамоатчи муҳбирлар маҳаллий газеталарнинг ҳақиқий қон томирлари эди. «Тахририятнинг уқ-тўрт ходими барча ҳудудларни қамраб олиши қийин иш, — дердилар устоз. — Шунинг учун ҳам жойларда қанча кўп жамоатчи муҳбирларимиз бўлса тахририятга келади-ган хат-хабар, ахборот ҳам шунча кўп бўлади. Ахборот эса, биласиз, газетанинг нони».

Жўра Сафаров жамоатчи муҳбир сифатида танилган бўлса-да, баъзан унинг тахририят-

ларга жўнатадиган хабарлари оқими шунчалик кўп бўлардики, бундай ишни андак-мундак штатдаги ходимлар ҳам эпполмай қоларди. Нега «Тахририятларга» деганимни тушунаётган бўлсангиз керак. Гап шундаки Жўра ака ҳеч қачон фақат биргина туман газетаси билан ҳамкорликдан қониқмаган. У киши вилоятнинг бошқа газеталарига ҳам мунтазам қатнашиб туради. Жамоатчи муҳбир сифатида у кишини вилоятнинг деярли барча ҳудудидида учратиш мумкин эди, ўша пайтлари. Айниқса, ҳаётимизда учраб турувчи муаммолар, нуқсон ва камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиши ўз мақола ва фельетонларида ярқ этиб кўзга ташланиб турарди. Жўра ака қаламига мансуб ўнлаб фельетонлар, танқидий мақолалар туман, вилоят даражасидаги юқори идораларда муҳокама этилгани, муаммолар бартараф қилиниб, айбдорларга тегишли чоралар қўрилганлиги га гувоҳ бўлганман. Айтилик, оддийгина туман ёки вилоят марказига нисбатан иш билан сафар қилиш Жўра ака учун анча-мунча ахборот манбаи бўлиши мумкин эди. Аҳолига савдо хизмати маданияти борми, жамоат транспорти хизматидаги нуқсонлар, бозорлардаги тартибсизликлар, тиббиёт маюссасаларидаги эътиборсизликлар... Хуллас, мавзунинг чеки йўқ эди, қаҳрамонимиз учун. Эътиборлиси, Жўра ака иккинчи гуруҳ ноғирони бўла туриб шунча нарасга улгуриш учун вақт, имконият топа биларайди.

Аслида туман газетасида чоп этилган мақола, хабарлари билан таниганимиз, билганимиз — Жўра Сафаров ўша пайтлари биз ўйлаганчалик профессионал журналист, газета ходими ҳам эмас экан. Оддий ўқитувчи, иккинчи гуруҳ ноғирони мана қирқ йилдан охибдики, матбуот билан ҳамон ҳамкор, ҳамқадам. Ўтган умрининг энг яхши, энг сертавиш онларини матбуот билан боғланлигига ҳеч қачон ачинмаган, пушаймон бўлмаган. Яхшироқ ўйлаб қарасак, қирқ йил жамоатчилик асосида матбуот билан ҳамкорлик қилиш учун ҳам, бундайроқ айтганда, одднинг ўзида нимадир бўлиши керакдек. Айтилик, фидойиликка ўхшаш хислатларини... Менинча Жўра ақининг матбуот билан боғлиқ ўтган ҳар бир дамлирини ана шу мезонда туриб ўлчасак, қадрласак хато қилмаган бўламиз. Зеро орамызда Жўра Сафаровдек газетачиликка фидойи, содиқ кишилар кўп эмас.

Гарчанд меҳнат дафтарчасига тушмаса-да, қирқ йиллик ҳамкорликдан сўнг ҳозир ҳам туман, вилоят газеталари жамоаси билан иждоий ҳамкорлик қилишда давом этаётган қаҳрамонимизга тан бермай йил ўйқ.

Даврон ОРМОВ, «Хуррият» муҳбири.

АВВАЛИ

йолгон экан. Шералихон ал-ҳол сиҳат-саломат тургон эмишдур.

«Туркистон вилоятининг газети», 1871 йил 27 сентабр.

Пойга

Учинчи ўқабрда ушбу Тошқанд шаҳрида азим (катта) пойга бўладур. Хар киши от кўшмоқни хоҳлса тайёр бўлуб турса керак.

«Туркистон вилоятининг газети», 1871 йил 27 сентабр.

Ришта касалига мубтало бўлмоқ хусусинда

Ришта касалига андоғ тажриба қилибдурларки, ушбу касал бир ерда кўб тўхтаб тургон сунӣ ичкондин пайдо бўладур. Оқодургон сунӣ ё бўлмаса тўхтаб тургон сунӣ қайна-тиб ичса ришта касалини кўрмаса керак.

«Туркистон вилоятининг газети», 1871 йил 27 сентабр.

Эълоннома

Хўжад шаҳрини судйаси илтимоос қиладурки, Салим деган одам Айуб номли кишини ўлгани учун даркор бўлубдур. Шу сабабдин мазкур Салим талаб қилинадур. Аммо мазкур Салимининг аломатлари: ўрта бўйлуқ, қора сочлик, бурни йафалок ва ҳам бурни устида танга баробари жароҳатни ўрни бор. Ранги қорага моил. Юзида чечак доғи бор. Сақоли қалта ва суйуқ. Тахминан йигирма беш ёшга боргондур. Ушбуни хар ким кўрса ё даргани билса тегишли маҳкамага маълум қилсунлар.

«Туркистон вилоятининг газети», 1871 йил 27 сентабр.


Эълоннома

Сирдарё музофотини ўблусной маҳкамаси Туркистон генерал губернаторини фармойиши билан аҳли вилоятга маълум қилодурки, бир минг саккиз юз етмиш иккинчи йилда гинвар ойини йигирманчи куни Тошқанд шаҳрида «Козунной Пўлат» (савдо палата) деган маҳкамада савдо бўлуб, Сирдарё музофотини истансияларида пучтавий от ушлаб турмоққа энди йил йиул ойидин то бир минг саккиз юз саксон тўртинчи йил йиул ойингача яъни ўн икки йилгача бериладур. Хар ким савдога кирмоққа кафил олиб келса керак. Савдо бўладургон истансияларни отлари ушбдур...

«Туркистон вилоятининг газети», 1871 йил 29 сентябр.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МАШХУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН



Астрид ЛИНДГРЕН: "Бахт бу — ёзиш имконияти..."

— Линдгрэн хоним, Стокгольмда сайр қилиб ёки дўконларда айланиб юрсангиз, ўтинчилар сизга қандай қарашади? Шунчаки сўрашиб ўтадиларми ёки саволларга қўмиб ташлайдиларми?

— Саволдан ҳам кўнгили изхори кўпроқ бўлади. Масалан, мана бундай қабилда: "Мен сизга ўз миннатдорчилигини билдиришим зарур. Сизнинг китобларингиз мен учун, болаларим учун қанчалар аҳамиятга эга эканлигини билсангиз эди..." Болаларга эса мени кўрсатиб: "Болалар, қараңлар, ҳув анави "Пеппи — Узун пайпоқ"ни ёзган хоним!" дейишади. Болалар менга унчалик қизиқмасдан кўз ташлайдилар. Уларнинг оналари бўлса...

— Демак, Астрид Линдгрэн шунчалик жамиятни бўлиб кетганки, ўзига тегишли бўлиши, ўзинча яшашни қийин, тўғрими?

— Уйда бемалол, лекин кўчада, шундай. Албатта, кимдир олдимга келади. Лекин бу менга ўз ҳолимча яшашимга ҳаллоқат қилмайди.

— Ҳашаматда яшашга интиляймисиз...

— Ҳа, шундай, бунга ўзингиз қўриб турибсиз.

— Сизнинг виллангиз ҳам, яхтангиз (кичик кема) ҳам кўп. Сиз тақинчок, зеб-зийнат тақмайси, охира асбобларингиз, кўриниб турибди, тиллодан эмас. Эҳтимол, сизнинг бирор қимматбахо нарсангиз, масалан, маркалар коллекциянгиз бордир?

— Йўқ, афсуски, йўқ. Лекин шундай коллекция тўплашим мумкин эди. Ахир, умрим давомийда шунчалик кўп хатлар олганманки... Марка тўплашга унча қизиқмайдим.

— Асарлари қувнок, хушқачқак бўлган ижодкорларнинг аксарияти табиатан меланхолик (гамгин) бўладилар...

— Бу гап менга ҳам тааллуқли.

— Сиз рустдан ҳам меланхоликмисиз?

— Ҳаттоки, жуда ҳам. Кўпинча гамгин бўлиб юраман.

— Сизнингча, бахт нима?

— Мен болаларим, невараларим ва эвараларим билан бўлганимда бахтли бўламан. Афсуски, менинг истигамга қарши, вақтим унчалик кўп эмас. Ҳа, табиат... Табиат қўнида бўлиш, сайр қилиш ҳам бахт.

— Сиз ҳеч қачон мемуарларга ўхшаш асарлар ёзмайсизми?

— Бу аниқ — ҳеч қачон.

ҲАММАСИГА ОБ-ҲАВО АЙБДОР

— "Мен болалар ёзувчиси бўлишимга фақат об-ҳаво айбдор". Сизнинг ана шу сўзларингиз сира ёдимдан чиқмайди. Тўғриси айтинг, ёзувчи бўлишнинг нима туртки бўлган?

— Мен жиддий айтман, айна об-ҳаво сабабчи бўлган! Сиз бунинг тарихини биларсиз дейман?

— Ўзингиз айтиб бера қолинг!

— Воқеа мана бундай рўй берган. 1941 йили, мен ўшанда ўттиз уч ёшда эдим, бирдан еттига кирган қизим Карин касал бўлиб қолди: тўшқандан туриши мумкин эмасди. Қизим бир гал бирор нарсга айтиб беришимни илтимос қилди. "Нима ҳақда гапириб берай?" деб сўрадим мен ундан. "Пеппи — Узун пайпоқ" ҳақида", деди у. Мен бу исмини эшитмагандим. Нима қилай, ичимдан тўқиб чиқаришга мажбур бўлдим. Орадан кўп вақт ўтмади, у уйимизга келиб юрадиган болалардан Пеппи — Узун пайпоқ ва унинг бошидан кечирган саргузаштларини гапириб юрганларини эшитиб қолдим. Улар бошқа нарсга ҳақида эшитишни истамасдилар ҳам.

Ҳали бу пайтда асар дунёга келмаган эди. Бу китобни кейинроқ — 1944 йилнинг мартида ёза бошладим. Иш билан кўчага чиқсам, ташқарида қор ёғаятган экан. Истироҳат боғидан ўта туриб, бирдан сирғаниб... йиқилиб тушдим: оёғимнинг эти узилди. Шундай қилиб, тўшқанда ётишимга тўғри келди. Миямда ўйлаб юрган воқеаларимни ёзиб, қизимнинг таваллуд кунига совга қилиш фикри тугилди. Ун ёшга тўларди... Шундай, агар қор ёғмаганида ва мен сирғаниб йиқилмаганимда...

— Вақт ўтиб кетган бўлса ҳам, Худога шукр, оёғингиз тўзалди.

— Мен ҳам шундай деб ҳисоблайман. Ўшандан буён китоб ёзиш мен учун катта қувонч бахт этади. Ёзишга ўзларини мажбур этадиган, ёзув сўлига ўтирмамаслик учун турли вақт топадиган ёзувчилар ҳам бор-ку. Мен эса ҳар оқшом: "Тезроқ тонг ота қолса эди! Тезроқ ишга ўтирсам эди!", дея ўйлар, тонгни ошқиб кутардим. Сиз сўхбат бошида бир савол бергандингиз: мен учун бахт бу — ёзиш имкониятидир. Ҳа, бу ҳақиқий бахт.

— Яна Пеппи — Узун пайпоқ ҳақида гапирмоқчиман. Бундай қараганда, Пеппи сурбет киз, кишининг гашини келтиради. Фирт етим, етимхонада яшаш керак бўлган киз, бирдан уй эгасига айланиб қолади: отлар ва маймунлар билан бирга бўшаб ётган виллага жойлашиб олади. Тўшқанда ҳам телба-тесқари ётади. Мактабга ҳам хоҳлаганида боради. Қисқаса, тарбиялангани мушкул ўсириллар билан шуғулланидиган идора аралашуви шарт бўлган ҳодиса. Сиз бўлсангиз, шундай қиздан қаҳрамон ясаб ўтирибсиз. Бунинг устига, у ҳақдаги ҳикоялар бутун бир авлодни ҳам яшаб ўтди. Бунга қандай тушуниш мумкин?

— Мен Бертран Расселнинг "Катталар шаҳвоний тушлар кўрганга каби болалар ҳам ҳукмрон бўлиш ҳақида ширин хаёлларга чўмади", деган сўзларини эслаяман. Пеппининг узоқ умр кўриши сиринга келсак, эҳтимол, бошқа болаларга русхат этилмаган ишларни унинг қилиши мумкинлигидир. Нима учун у болаларга ёқиши аён.

Болалар худди шундай қизчага ўхшаши умуман истамайдилар. Уларга қизнинг икки қалин дўстига ўхшагилари келиши етарли. Болалар Пеппининг яшашини истайдилар, бироқ унга ўхшашига интиляйдилар.

— Сиз "Пеппи — Узун пайпоқ"дан ташқари, ажайиб изкувар Калл Блюмквист, Карлсон, Эмиль, Роне, қароқчининг кизи ва бошқа кўпгина образлар яратдингиз. Булар орасида муаллифга энг суюқлиси қайси?

— Бу саволга жавоб бериш мушкул. Менмича, севган қаҳрамоним Эмиль. У жуда мустақил. Эмиль мен тугилиб ўсган ўлкада яшайди. Мен яхши билган одамлар билан мулоқотда бўлади. Эмиль баъзида шўхлик қилиб ишқал чиқарса, Пеппидан фарқ қилади. Бола менга жуда ёқади.

— "Биз ҳаммамиз Блюллербюданмиз" китобида етти ёшли Лиза "Уч ҳовили қишлоқчада яшамайдиган кишиларга ачинаман", дейди. Блюллербю бу — бахтли кишилар оролимиз?

— Ҳа. Мен болалигимда уни ер озидаги энг гўзал жойлардан бири деб билардим. Биз — одам, отам ва мен бу ерда ўзимизни бутунлай эркин ва бахтиёр сезардик. Худди шунингдек, менинг персоналларим ҳам.

— Сизнингча, болалар китоби нима, ҳақиқий адабиётми ёки педагогиками?

— Бунисини билмайман. Ишлаётганимда мен адабиёт ҳақида ҳам, педагогика ҳақида ҳам ўйламайман. Мени яна болага айланиб қолганим қизиқтиради, ҳолос.

— Бирок сизнинг кўпдан-кўп китобларингиз фақатгина ўзингиз ва болаларга хуш ёқиши учун ёзилмагандир. Сиз балки ҳар сафар болаларга панд-насиҳат қилмоқчи бўлгандирсиз?

— Йўқ, ҳеч қанақасига. Бирок менинг китобларим шундай таъсир қилганга эга. Мен жуда кўп ажайиб мактублар олганман. Одамлар ўз ҳаётларида менинг асарларим қандай роль ўйнаганини ёздилар, ана шу китоблар тўғрисида ҳаётга тўғри қараш шаклланиганини эътироф этадилар. Улар бу ҳақда шунчалик кўп гапирганларидан ўзим ҳам бехиётроқ ҳақиқатан шундай бўлганлигимга ишониб қоламан.

— Бир пайтлар сиз: "Мен ўз китобларим билан болаларни тарбияламоқчи ёки ўқитмоқчимасман", деган эдингиз. Шундай бўлса-да, сизни жаҳоншумул мукофот билан тақдирлаётди, Германия китоб тижоратчилари уюшмаси бошқача баҳо берди: "У назокат, бироқ сабот билан кишилар қалбига сабр, ҳалоллик, ўзгаларни тушуниш ҳамда масъулият туйғуларини сингдиради".

— Ҳа, ҳа, тўғри. Мен бу ҳақда ўйламаган эканман. Лекин бундай ниятми йўқ эди, аслида.

АМЕРИКАЛИКЛАРГА "КОКТЕЙЛ"ЛИ ҲУЖУМ

Япониянинг Окинава оролида АҚШ консулликка кичик ҳужум бўлиб ўтди. Мамлакат полициясининг берган маълумотига кўра, қурбон бўлган ва яра-ланганлар йўқ. «Молотов коктейли», яъни бензин, этил спирти каби кимёвий суюқлик тўлдирилган шиша консуллик ҳовлига ирилтилган. Воқеа жойидан гумондор бир киши мотоциклда қочиша улгургани айтилмоқда.

Мамлакатдаги 50 мингдан ортиқ Америка аскарининг ярмидан ошиғи Токиодан 1600 километр жанубда жойлашган Окинава оролида қароргоҳ қурган. Икки томонлама хавфсизлик шартномаси имзолангани боис кунчиқар ўлкада уммон орти давлатининг ҳарбий қучлари доимий сақланади. Хорижий аскарларнинг атмосферани булгаётгани, сокинликни бузиб шовқин солаётгани ва бошқа шу каби қилмишлари маҳаллий аҳоли норозиликка сабаб бўлиб келмоқда.

ДАЛАЙ ЛАМА: «ИСЛОМ — ТИНЧЛИКСЕВАР ДИН»

АҚШнинг Lehigh университетиде (Пенсилвания) сўзлаган нутқида Тибетнинг руҳоний лидери «Исломи мурсосасиз дин дейиш бутунлай нотўғри ва бу унга нисбатан ноҳақликдир», деган. Далай Лама университетга 600 йиллик буддизм матнлари билан боғлиқ бахсларда катнашиш учун келганди. У қарийб беш минг киши иштирок этган анжуманда берилган бир саволга жавоб бера экан, юқоридаги фикрини айтган ва бунга ўз исбот ва далилларини келтирган.

Хитой Тибетни 1950 йиллардан буён бошқариб келмоқда. 1959 йили муваффақиятсизликка учраган қўзғолондан кейин Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлган Нобель мукофоти соҳиби Далай Лама тибетликларнинг ўз она тилларида гаплашиши, ўз маданиятлари асосида яшашлари кераклиги даъвоси билан чиққан.

СЕМИЗЛИК — ЖИДДИЙ МУАММО



Шаҳарлашиш натижасида ҳаракатсизликнинг ортиши ва ортиқча овқат истеъмол қилиш инсоният олдига яна бир жиддий муаммони қўймоқда. Мутахассисларнинг фикрича, 2030 йили дунё аҳолисининг 58 фоизи семизлик касалига дучор бўлади.

Америкалик олимларнинг айна мавзуга бағишланган тадқиқотлари 2005-2030 йилларни ўз ичига олган. 106 давлатдан олинган, инсониятнинг 88 фоизи билан боғлиқ маълумотлар асосида тадқиқот олиб борган Tanika Kelly «2005 йили дунёнинг 23,2 фоизи ортиқча вазнга эга эди, 9,8 фоизи — 396 миллион киши эса семизлик касалидан азият чекарди. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 1,12 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда. Ортиқча вазни одамлар эса 2 миллиардга бориб қолади», дейди.

АМЕРИКАЛИКЛАРГА "КОКТЕЙЛ"ЛИ ҲУЖУМ

Нью-Йорк хомашё биржасида "қора олтин" нархи рекорд кўрсаткичга етди. Бир баррель нефть баҳоси 147,02 АҚШ доллари қилиб белгиланди. Бу аввалги савдода қайд этилган нархдан 5,37 доллар кўп демакдир.

Мутахассислар "қора олтин" баҳосининг ортишини мамлакатда нефть маҳсулотларига талаб ошаётгани ва стратегик нефть захираси камайиб бораётгани билан боғлашмоқда. АҚШ автомобиль уюшмасининг маълумотларига қараганда, жорий йилда бензин нархи 2007 йилдагига нисбатан қирқ фоиз ошган.

ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН АЙБЛОВ


Халқаро Гаага суди бош прокурори Луис Морено-Окампо Судан президенти Умар ал-Баширини генцидда айблади. BBC News тарқатган хабарга қараганда, айбловга беш йил илгари рўй берган Дарфур фожиаси, юз минглаб тинч аҳолининг қириб юборилиши асос қилиб олинган. БМТнинг маълумотига кўра, Дарфур фожиасида 200 мингдан ортиқ одам қурбон бўлган.

Уч судьядан иборат комиссия Судан раҳбарини қамоққа олишга ордир бериш қарорига келди. Лекин Судан Россия ва АҚШ каби халқаро Гаага суди аъзоси эмас. Шунинг учун ҳукумат суднинг қарорини эътиборсиз қолдирмоқда. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Али ас-Садиг: «Биз халқаро суднинг нафақат президент, балки оддий фуқаромизга тегишли айбловларини ҳам инобатга олмаймиз», деган. Утган йили халқаро суд Судан расмийларидан Аҳмад Хорун ва Али Кушайбни ҳибсга олишга ордир берганди. Расмий Хартум уни инкор қилиб, ҳарбий жиноятчилик муаммолари мамлакатнинг ички иши эканини таъкидлаган эди.

ИРОҚДАН ЧИҚИБ КЕТИШ УЧУН 16 ОЙ

Барак Обама New York Times газетасида чоп этилган мақоласида агар президентликка сайланса, Америка қуролли қучларини Ироқдан 16 ой давомида, 2010 йилнинг ёзига қадар олиб чиқиб кетишга ваъда берди. У Афғонистон борасида ҳам шунга монанд фикрда эканини уқтирган.

Абаманинг мақоласи Афғонистондаги АҚШ ҳарбий континентига сўнгги уч йил давомидаги энг катта ҳужум уюштирилгандан бир кун ўтгач эълон қилинди. Ҳужум оқибатида 9 нафар Америка ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган, 15 на-



БИР СОАТДА 100 ТА САМОЛЁТ

Буюк Британиянинг Фарнборо шаҳрида йирик халқаро авиакосмик кўргазма очилди. Унда 39 давлат вакиллари иштирок этмоқда. Душанбадан жумага қадар бу ерга 140 минг бизнесмен ташрифи кутилапти.

Американинг Boeing компанияси халқаро кўргазманинг биринчи соатидаёқ 100 га яқин самолёт сотди. Унинг 50 тасини FlyDubai компанияси олган бўлса, Etihad Airways компанияси 35 та Boeing 787 Dreamliner ва 10 та B777 самолёти учун шартнома имзолади. Жаҳон бозорида Boeingнинг асосий рақибати Airbus компаниясидир. У эса Saudi Arabian Airlines билан 8 та самолёт учун шартнома тузган.

Фарнборо халқаро авиакосмик кўргазмаси ҳар икки йилда ташкил этилади. Бу йилги 14 июль кунини очилган кўргазма 20 июлгача давом этади. Тадбир доирасида авиакосмик фан ва техника тарқиқети оид кўлаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.

Франция президенти Николя Саркози ўтган яқшанба кунини Ўртаденгиз давлатлари иттифоқининг саммитини очди. Янги сиёсий иттифок учрашувига фақат Муаммар Қаддофий қатнашмади. Ливия етакчиси нуктага назарига кўра, «бу режа араб давлатларини европалаиклар ҳукмронлиги таъсирига туширишдан бошқа нарсга эмас».


Ўртаденгиз давлатлари иттифоқига 43 давлат қиради: Европа иттифоқининг 27 аъзоси, 10 та жанубий мамлакатлар — Жазоир, Миср, Исроил, Йордания, Ливия, Марокаш, Мавритания, Сурия, Тунис, Туркия, шунингдек, Фаластин муторияти ва Албания, Хорватия, Босния, Герцеговина, Черногория ҳамда Монако. Ливия эса, юқорида айтилганидек, янги ташкилотнинг тақлиф қилинган аъзоси мақомига эга.

Гренландиядан Сахрои Кабиргача бўлган иттифок ҳудудида 765 миллион аҳоли яшайди. Саркози Ўртаденгиз давлатлари иттифоқини «Европанинг Жанубдаги келажаги» деб атади ва ташкилот терроризм ҳамда фундаментализмга қарши курашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

"КОРА ОЛТИН" ЯНА ҚИММАТЛАШМОҚДА

Нью-Йорк хомашё биржасида "қора олтин" нархи рекорд кўрсаткичга етди. Бир баррель нефть баҳоси 147,02 АҚШ доллари қилиб белгиланди. Бу аввалги савдода қайд этилган нархдан 5,37 доллар кўп демакдир.

Мутахассислар "қора олтин" баҳосининг ортишини мамлакатда нефть маҳсулотларига талаб ошаётгани ва стратегик нефть захираси камайиб бораётгани билан боғлашмоқда. АҚШ автомобиль уюшмасининг маълумотларига қараганда, жорий йилда бензин нархи 2007 йилдагига нисбатан қирқ фоиз ошган.



ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН АЙБЛОВ

Халқаро Гаага суди бош прокурори Луис Морено-Окампо Судан президенти Умар ал-Баширини генцидда айблади. BBC News тарқатган хабарга қараганда, айбловга беш йил илгари рўй берган Дарфур фожиаси, юз минглаб тинч аҳолининг қириб юборилиши асос қилиб олинган. БМТнинг маълумотига кўра, Дарфур фожиасида 200 мингдан ортиқ одам қурбон бўлган.

Уч судьядан иборат комиссия Судан раҳбарини қамоққа олишга ордир бериш қарорига келди. Лекин Судан Россия ва АҚШ каби халқаро Гаага суди аъзоси эмас. Шунинг учун ҳукумат суднинг қарорини эътиборсиз қолдирмоқда. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Али ас-Садиг: «Биз халқаро суднинг нафақат президент, балки оддий фуқаромизга тегишли айбловларини ҳам инобатга олмаймиз», деган. Утган йили халқаро суд Судан расмийларидан Аҳмад Хорун ва Али Кушайбни ҳибсга олишга ордир берганди. Расмий Хартум уни инкор қилиб, ҳарбий жиноятчилик муаммолари мамлакатнинг ички иши эканини таъкидлаган эди.

ИРОҚДАН ЧИҚИБ КЕТИШ УЧУН 16 ОЙ

Барак Обама New York Times газетасида чоп этилган мақоласида агар президентликка сайланса, Америка қуролли қучларини Ироқдан 16 ой давомида, 2010 йилнинг ёзига қадар олиб чиқиб кетишга ваъда берди. У Афғонистон борасида ҳам шунга монанд фикрда эканини уқтирган.

Абаманинг мақоласи Афғонистондаги АҚШ ҳарбий континентига сўнгги уч йил давомидаги энг катта ҳужум уюштирилгандан бир кун ўтгач эълон қилинди. Ҳужум оқибатида 9 нафар Америка ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган, 15 на-



БИР СОАТДА 100 ТА САМОЛЁТ

Буюк Британиянинг Фарнборо шаҳрида йирик халқаро авиакосмик кўргазма очилди. Унда 39 давлат вакиллари иштирок этмоқда. Душанбадан жумага қадар бу ерга 140 минг бизнесмен ташрифи кутилапти.

Американинг Boeing компанияси халқаро кўргазманинг биринчи соатидаёқ 100 га яқин самолёт сотди. Унинг 50 тасини FlyDubai компанияси олган бўлса, Etihad Airways компанияси 35 та Boeing 787 Dreamliner ва 10 та B777 самолёти учун шартнома имзолади. Жаҳон бозорида Boeingнинг асосий рақибати Airbus компаниясидир. У эса Saudi Arabian Airlines билан 8 та самолёт учун шартнома тузган.

Фарнборо халқаро авиакосмик кўргазмаси ҳар икки йилда ташкил этилади. Бу йилги 14 июль кунини очилган кўргазма 20 июлгача давом этади. Тадбир доирасида авиакосмик фан ва техника тарқиқети оид кўлаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.

ЯНГИ СИЁСИЙ ИТТИФОҚ



Франция президенти Николя Саркози ўтган яқшанба кунини Ўртаденгиз давлатлари иттифоқининг саммитини очди. Янги сиёсий иттифок учрашувига фақат Муаммар Қаддофий қатнашмади. Ливия етакчиси нуктага назарига кўра, «бу режа араб давлатларини европалаиклар ҳукмронлиги таъсирига туширишдан бошқа нарсга эмас».

Ўртаденгиз давлатлари иттифоқига 43 давлат қиради: Европа иттифоқининг 27 аъзоси, 10 та жанубий мамлакатлар — Жазоир, Миср, Исроил, Йордания, Ливия, Марокаш, Мавритания, Сурия, Тунис, Туркия, шунингдек, Фаластин муторияти ва Албания, Хорватия, Босния, Герцеговина, Черногория ҳамда Монако. Ливия эса, юқорида айтилганидек, янги ташкилотнинг тақлиф қилинган аъзоси мақомига эга.

Гренландиядан Сахрои Кабиргача бўлган иттифок ҳудудида 765 миллион аҳоли яшайди. Саркози Ўртаденгиз давлатлари иттифоқини «Европанинг Жанубдаги келажаги» деб атади ва ташкилот терроризм ҳамда фундаментализмга қарши курашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

ҲАММА МАМНУН



АҚШ ташқи ишлар вазирлиги Ливанда янги ҳукумат тўзилишини демократик давлат барпо этиш учун қўйилган дадил қадам деб баҳолади. Янги ҳукуматни БМТ бош қотиби, Эрон ва Туркия ҳам қўллаб-қувватлади.

Ливаннинг 30 кишидан иборат бошқарув органида динлар орасида ҳам мувоозанатга эришилган. Давлат раҳбари христиан, бош вазир сунний, Мажлис раиси шиалардан бўлиши келишиб олинди. Муҳолифат бўлган Хизбуллоҳ ташкилоти парламентдан 11 ўринни эгаллади.

Араб Бирлиги бошчилигида Катарда олиб борилган музокаралар натижасида тузилган янги ҳукуматда 9 ўрин эски парламентдан эканлиги айтилмоқда.

ДУБАЙДА МАДАНИЯТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Дубай пляжларидан биридаги ахлоқсиз ҳаракати, фахш ишлари учун Майкл Пэлмер 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Мазкур ҳодиса инглизлар эътиборини Бирлашган Араб Амирлигига қаратди. Қарийб 3 миллион тиражда чиқаётган, мамлакатнинг энг харидорбоп газетаси "The Sun"нинг Дубайдаги муҳбири Шарк-Фарб тўқнашувини таҳлил қилди.

Кўчаларда чўмилиш кийимидаги аёллар ва жиҳобли аёллар ёнма-ён юради. Азон овоэлари турли кўнгилочар кечалардан таралаётган шовқин-суронли муסיқа билан қоришиб кетади. Бошқа ҳеч бир ерда Шарк ва Фарб орасидаги маданиятлар тўқнашуви бу қадар очик кўринмапти. Дубай бир томондан исломий ақидаларини қаттиқ тутишга, иккинчи томондан пулдор гарбликларни янада кўпроқ жалб қилишга уринади. Масъуллар фахш билан курашаётганига қарамай, кейинги йилларда дунёнинг тўрт тарафидан Дубайга 10 минг "капалак"лар келган...

ТАКЕШИМА ОРОЛЧАСИ КИМНИКИ?

Жанубий Корея ва Япония орасида юзага келган Такешима ороли можароси сабабли Токио ўз эълчисини чақириб олмоқчи.

Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлиги Такешима оролчаси япон дарсликларида Япония ери деб кўрсатилаётгани ҳақида расмий Сеулга билдирган. Президент Лее Мюн-бак корейслар Докто деб атайдиган орол можароси яна қўзғалгандан афсусда эканини айтган. Ҳукумат қоялардан иборат оролчада полиция постини ташкил этишга қарор қилди.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

Маъсума АХМЕДОВА тайёрлади.

Ўзбекистон
Республикаси
Мустақил-
лигининг
17 йиллигига

Темир йўл

Достон

ДЕБОЧА

Бу йўл Буюк ипак йўли,
Бобоколларим ўтган.
Қайга етган улар кўли,
Қаёнларни макон этган?

Бу йўлларда турфа тақдир,
Турфа қисмат ва турфа ғам.
Бу йўлларда башарий сир
Ва рўбарў икки олам.

Карвон-карвон келур хотир;
Туялари турнақатор.
Ҳар қадамда недир содир,
Ҳар қадамда турфа хатар.

Бир туяда ал-Бухорий,
Ёниб борар шамега ўқшаб.
Таранглашиб кўнгли тоғи,
Заманларий кетар қақшаб.

Мотуридий кўп қийналар,
Озорланур ал-Фарғоний.
Ҳижрон тиги дил қиймалар,
Ҳар туяда — туркистоний.

Нур тарқатиб, кезиб юрган
Бурхониддин Марғинович,
Мануберди ёни сурган,
Сўвга чуққан йиғит жони.

Абу Райҳон Беруний, бас,
Тортган ернинг танобини.
Изи қолаётган ўчмас
Жасур Маҳмуд Торобийнинг.

Амир Темури олган қирғоқ;
Шарқу Фарбу Жануб, Шимол.
Билмоқ бўлсанг Яздийга боқ,
Клавихо¹ дафтарин ол!

Кўк синаот мўъжизасин
Фаҳмлардик хўп тўлғудек —
Онди унинг ичу тошин
Кўрагоний — Шоҳ Улугбек.

Етти иқлим аро номдор —
Мир Алишер — пир Навоий,
Айтинг, мундоқ шер қайда бор —
Ҳам заминий, ҳам самовий.

Шоир ва шоҳ Бобур Мирзо,
Забт айлашни Ҳинд қалбини.
Ахли дониш ундан ризо,
Хоким ўнар кўп талниниб.

Бу йўл Буюк ипак йўли,
Бобоколларим ўтган.
Қайга етган улар кўли,
Қаёнларни макон этган?

Бу кун биз ҳам йўлга чиқдик,
Йўлат изда карвонимиз.
Кўли бердик, кўли сиқдик,
Юртбошимиз — Сарбонимиз.

Кўёи — шерик,
Кўёи билан,
Қандай яхши бирга юрмак!
Сайёралар ила жон-тан,
Ой ёнида ўзи кўрмак!

ПОЕЗД ЙЎЛГА ТУШИДИ

Поезд йўлга тушиди.
Тумонат одам
Оқниллаб турарлар
Қўлда гул билан,
Перрон гул, рельс гул,
Гул тутам — тутам,
Бутун халқ кузатар
Оқ кўнгли билан!

Поезд йўлга тушиди.
Қадим Қашқадарё,
Сурхон ёқалаб.
Олам харитаси қалб ичида жо,
Ўзбек миллатида шу эди талаб.

Поезд йўлга тушиди,
Мусаффо осмон,
Боғларни сипалар —
Шаббода қувноқ.
Томошага қолур самода ойхон,
Кўёи қизи тутмиш олтинранг байроқ!

Поезд йўлга тушиди,
Чеки йўқ чўллар,
Сахролар юзига тортадир ўпа.
Мармар рангега кўчган,
Мавж урган кўллар
Дарёларни кучар ўпа ва ўпа.

Поезд йўлга тушиди.
Янроқ садоси
Олам қулоғига етди, қулолди.
Амир Темури тузган давлат маввосин
Пойдевор тошлари қайта қўйилди!

ТЕМИРЙЎЛЧИ МОНОЛОГИ

Депога қатнадим бола ёшимдан,
Йилладим яхшилар этагин ушлаб.
Йиллар синовлари ўтди бошимдан
Муҳандис бўлолдим ақлимни пешлаб.

Туркистон йўл қуриб яшайди азал;
Шимолу Жанубга, олис Фарб томон.
Шарқ тараф очилган йўллар мукамал,
Яратиб яшаймиз эканмиз омон!

Қитғалар боғловчи транзит оқим —
Юк ортган карвонлар сингари мавжуд.
Темир йўлчиларда сира йўқ тиним;
Темир тан, темир кўл ва темир вужуд.

Кўнғирот ва Дейнов магистрали
Қозоқ ери бўйлаб боғланган Русга.
Шарқ тараф очилган йўллар мукамал,
Ҳар қандай иқлимда кўл етар
дўстга!

Печа минг чақирим метин масофа
Кеча ва кундузлар лаҳзасига жо:
Бунёдкор ўрмонлар уйғоқ хар дафъа,
Кўз юммас, маррага етмагунча то.

Йўл очмоқ ҳам савоб, ҳам эзгу юмуш,
Кўрмакка бошладик навбатма-навбат.
Истиқлол юз онди, ўзарди турмуш,
Бизни йўл азоби тарк этур абад!

Энди республикам пўлат из бўйлаб,
Тезроқ поездлар маскани эзур.
Бу шараф, инъомни шоирлар куйлаб,
Дилларга бағишлар ифтихор, ҳузур.

Ишчи поездлари мукамал, пишшқ,
Миллион тонналаб юк ташир рости.
Зиммага олағимиз кутлуғ топшириқ,
Орият улғайди, тажриба ўсди!

Бошқачароқ бизнинг касбу коримиз:
Қилинган ҳар ишга жавоб бермоқ шарт.
Ҳалол меҳнат ила тўқ рўзгоримиз,
Бизда барча ходим билан, жўмард.

Уловинг саз экан, муродинг вожиб,
Юксинг ерда қолмас, деган боболар.
“Электричка”лар-чи, қўлай, ажойиб,
Пойтахтдан жўнайди
ҳар кун, ҳар саҳар.

Ҳазалкент тарафга вагонда юринг,
Алвон чечаклардай очилар димоғ.
Ажойиб манзара; ойнадан кўринг:
Қайда бор, рост айтинг,
бундай сайри боғ!

Бизнинг локомотив, депомиз ҳам ўз,
Платформаларда замона руҳи.
Электровоз, “Вертушка”, “Тепловоз”-
Ҳурлик нашидаси, ҳурлик шукуҳи.

Мана, бир пўлат йўл: Тошгузар — Бойсун —
Қўмқўрғон, сўнг яна янги йўналиш,
Қурилиш, қурилиш ўсар кунма-кун,
Биз билан баҳор, ёз, биз билан куз, қиш.

Батман ётоғимиз чўлу сахро, дашт,
Сафимиз буқилмас, ҳар ишга қодир.
Меҳнат шарафимиз — икки завардаст,
Иккита қахрамон: Тўлқин¹, Баҳодир²!

Кун чиқар тарафга темир йўл зарур —
Қамчиқ довоиларин ора-оралаб.
Ҳаёт бонг урмақда: “Бошлаб бер, тез қур!
Алло лойиҳани танилаб, саралаб”.

Темир йўл — меҳнатқани халқнинг ҳаёти,
Темир йўл — йўлларнинг энг нодири бу.
Мустақиллик азми — тараққиёти,
Озод Ўзбекистон қон томири — бу!

БИР ИШЧИ ҲИКОЯСИ

1. Ҳодиса

Бир кун ярим кеча бўрон увиллаб,
Қоялар титратиб отилди тошқин.
Сел қўйди беаёв уриб, савалаб,
Барча қурувчилар уйғонди шошқин.

Жарликлар, ғорликлар оралаб ўтган
Ёпиқ канал бўйлаб бўлди қаттиқ “жанг”.
Тўрт юз элликта ёш йиғит ётган,
Чарм чодирлари сақланди аранг.

Сув остида қолди бир-икки мошин,
Экскаватор ҳам кўрсатмади бўй.
Табиат синарди инсон бардошин,
Гўё булутларга дерди: “Яна қуй!”

Биз ганеиб қолмадик, гарчи зўр “ҳўжум”,
Ёмғирдай тўқилган тошлар ушланди.
Ҳеч ҳам тин олмадик бир лаҳза, бир зум,
Матонат иккида довул сустанди...

Намозгар чоғида тарқалди булут,
Урқач-урқач лойқа сирғалди паства.
Уша тунги кураш бўлмас ҳеч унут,
Ҳайратда қоламан тушиганда эсга.

Кейин биз шу ёпиқ канал устидан,
Уч минг метр рельсини ётқиздик болаб.
Ҳозир поезд қатнар йўлнинг остидан,
Бевош тоғ дарёси оқар чопқиллаб.

Бундай тасодифлар одатий бир ҳол,
Мушкул ҳодиса ҳам рўй берар гоҳо.
Биз бунёд айлаган йўлар бетимсол!
Ҳўзурин халқимиз кўрсин, шлоҳо!!

2. Бойчечак

Бетон кўприк ости эллик метр наст,
Тонда бош кўтариб чиқди бойчечак.
Кўёи беткай жойда кўз очмиш пайваст,
Кўприк битганидан берибми дарак.

Ахир, февраль эди, қиш эди ҳали,
Табиат ётарди уйқуда ҳамон.
Бир шоир келганди достон битгани,
Бойчечакни кўриб сўзлади шодон:

“Бойчечак — бу, элчи, яхши нишона,
Ютуқлар муждаси, ишлар барори.
Навбахор қувончи, қаранг, бир дон,
Барчага муборак бу гул изҳори!”

Кўприкни қўраганлар кўприк остида
Куттишар. Тепловоз юрар тепадан.
Поезд келатир рельс устида,
Рулида машинист — энцил капитан!

Синов авло ўтди!
Кўприк тағида
Жон тиккан йўлсозлар қувониб чиқдик!
Шаънимиз барқ урди осмон тоқида,
Бойчечакни ўпиб, кўлларни сиқдик.

Зўр қувонч элтиди барча-барчани,
Юзларда бойчечак табассуми бор.
Шаббода тебратар яшил арчани,
Қалбарда уйғонди, яшнади баҳор!

Поезд жўнаб кетди манзилма-манзили,
Узоқ-узоқлардан келур садоси.
“Менинг қучоғимда конлар кўп, билги,
Дей хабар берар тоғлар нидоси!”

ЙЎЛДА

Поезд тезлаб наъра тортади гоҳо,
Юки — абадият, улғу хосият.
Икки рельс гўёки икки зўр соҳа,
Бир — маънавият, бири — моддият.

Ватан салобати кўринди бир зум,
Юртбоши қалбини зўр қувонч элтиди:
“Истиқлол! — деди у, юзда табассум,
Аллоҳ бу кунларга мушарраф этди!”

Ўчмас солномалар ёдида шу чоқ
Мустақиллик, Янги тарих — бурилиш.
Миллий Давлат тили, Герб ила Байроқ,
Қамчиқ довоида шонли — қурилиш.

Ҳар соат, ҳар лаҳза янгилик барпо,
Тош метин кўприклар, не-не бинолар
Ҳавас-ла, ҳайрат-ла қарар Европа,
Осиё мулкда бор итдоалар...

Яна нима зарур, қолди қай томон,
Танлаган йўлимиз ўзимизга хос.
Икки ора йўлда қолмадик ҳайрон,
Яна ўйга толди Юртбоши бироз:

Авлода илм — фан эшигин очдик,
Ҳарбий тағлимга биз бердик эътибор.
Халққа рост сўзладик, ёлғондан қочдик,
Ҳақ ислом дини ҳам бизга мададкор.

Ерни ўз эгаси деҳқонга бердик,
Иш кўзини билган ёшлар беҳисоб.
Мустақил бўлдиқ деб кўрақни кердик,
Ислоҳ қилинмоқда ҳаёт бобма-боб.

Ҳар жабҳа, ҳар соҳа режаси — равоқ,
Эл улус турмуши бўлур фаровон.
Ҳар одам қалбида юртега иштиёқ,
Етади, ортади биз ундирган дон.

Пахта-олтин демак, оқ олтин демак,
Миллат омборини тўлдирган бойлик.
Ҳа, барча имконни яратмоқ керак,
Бўлсин ҳар хонадон қозони мойлик.

Соҳибқирон демиш: «Куч — адолатда».
Бетма-бет айтишур танқид, ҳақ калом.
Бир маром яратдик энди ҳаётда,
Давлат тартибда темир интизом.

Поезд ҳамон тезлар елкасида юк,
Мисоли ер ўқи шунда айланур.
Юртбоши юмуши буюқдан-буюқ,
Ҳар лаҳза-дақиқа элга бойланур!

БОБО ВА НАБИРА

(Вокзалда)

— Бобожоним, поезд нимадир?
— Темир йўлда сўзган кемадир!
— Нега унинг номи Регистон?
— Самарқандда тарихий майдон.

— Нечун номи: Тошкент — Самарқанд?
— Бир-бирига қилинган пайванд.
— Бобо, айтинг, сабаби борми?
